22 ФЕВ 1990

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 44 (20. 611) • 1990 йил 21 февраль, чоршанба • Баҳоси 3 тийин.

ЗАРБДОР МЕҲНАТИМИЗ—ҚАЙТА ҚУРИШГА

МУСОБАҚА КУНДАЛИГИ

ХАРИДОРГИР МЕБЕЛЛАР

Олмалиқ мебель комбинати маҳсулотларига талаб ошиб бормоқда. Буни корхона ҳисобидаги фирма-магазин фаолиятидан ҳам билса бўлади. Бу ерда аҳолига буюртма асосида сифатли мебеллар етказиб бериляпти.

Комбинатда йил сайин маҳсулот тайёрлаш суръати ўсиб, сифати яхшиланяпти. Масалан, ўтган йили ишлаб чиқарилган маҳсулот 27 миллион сўмликни ташкил этди. Корхона аҳли бу муваффақиятлари учун СССР Мебелсозлик саноати министрлиги ва тармоқ ходимлари касаба союз Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирланди.

1989 йилда «Янгилик» индекси билан корхона 18,5 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлади. Айниқса, «Онега—У—4», «Онега—У—20» мебель гарнитуралари харидорларга манзур бўлди.

Айни кунларда сифатли мебеллар ишлаб чиқариш борасида қизғин меҳнат мусобақаси давом этяпти. Бу мусобақада юмшоқ мебеллар ва тажриба-йиғув цехлари коллективлари илғорликни қўлдан беришмаяпти.

О. ХУШНАЗАРОВ.

ИНТИЗОМ ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА

Ўрта Осиё темир йўлининг Жиззах станцияси ишчи-хизматчилари вагонларнинг белгиланган муддатдан кўп туриб қолишига йўл қўймаяпти.

Коллективнинг ишга масъулият билан ёндашуви туфайли вагонларга юк ортиш-туширишнинг план-топшириқлари ўз вақтида уддаланяпти. Меҳнат интизоми ва технологияси талабига қатъий амал қилиш ана шу муваффақиятларнинг муҳим омили бўлиб қолмоқда.

— Коллективимиз 14 миллат вакилларидан иборат, — дейди станция бошлиғи Р. Камолов. — Аҳиллик билан олиб бораётган ишимиз қувончли натижалар келтиряпти. Ўтган йили пландан ташқари 600 минг сўмлик юк тушириш-ортиш ишларини бажардик.

Темирйўлчилар январь—февраль ойи маррасини ҳам барвақт эгаллашди. Бу ютуқда Б. Раҳмонқулов, Ф. Нуъмонов, А. Искандаров, Ў. Отабоев каби ишчи-хизматчиларнинг муносиб улуши бўлди. Улар кунлик нормаларини 1,5—2 ҳисса бажариб мусобақада пешқадамлик қилишди.

Р. СОЛИХОНОВ.

КОРХОНАНИНГ ИККИНЧИ НАВБАТИ ИШГА ТУШДИ

Тошкент чинни заводининг иккинчи навбати ишга туширилди. У йилига 30 миллион дона чинни ишлаб чиқариш қувватига эга. Корхонада 20 хилдан ортиқ чинни идишлари ишлаб чиқарилади. Булар орасида чойли пиёлалар, коса, чойнак, лаганлар ҳамда қандиллар бўлади. Янги қувватнинг ишга туширилиши билан бир вақтда технология ускуналарини созлаш, ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлар ва телемеханика воситалари билан жиҳозлаш ишлари ҳам тезкорлик билан олиб борилмоқда.

Корхона ишлаб чиқарган маҳсулотларнинг бир қисми Ўрта Осиёнинг қатор шаҳарларига, Қозоғистон ва РСФСР-га ҳам жўнатилади.

Тошкент чинни заводининг иккинчи навбати тўла қувват билан ишлай бошлаганидан сўнг унинг маҳсулотлари ҳозирдагига нисбатан уч баравар ортади ва Совет Иттифоқидаги энг йирик корхоналардан бирига айланади.

Суратда: «Союзлегпромпусконаладка» трестининг моҳир созловчи ишчилари Б. Костров, П. Саруанов ва Д. Шумиловлар.

Р. Жуманиёзов сурати.

• Ишчи минбари

ИШОНЧНИ ОҚЛАСИН

Мен Дўстлик посёлка Совети депутатиман. Сайлов муносабати билан эълон қилинган Ўзбекистон Компартияси ҳаракат дастурини меҳнаткашлар орасида кенг оммалаштириш ва тушунтиришни ўзимнинг депутатлик бурчим деб биламан.

Мазкур ҳужжатни қониқиш билан ўқиб чиқдим. Эндиликдаги асосий масала — қўйилган вазифаларни тўлалигича ҳаётга татбиқ этиш ва бу йўналишдаги ишлар қандай бораётганлиги ҳақида халқимизни хабардор қилиб туриш. Чунки халқ қуруқ ваъдалар ва жанговар даъватлардан безор бўлди.

Ҳаракат дастурида айтилган раҳбар ходимлар тўғрисидаги фикр мени ва ҳамкасб дўстларим эътиборини ўзига алоҳида жалб этди.

«Ҳозир халқнинг ишончи ва ҳурматини қозонган, одамларнинг, алоҳида ҳар бир кишининг турмуши ва манфаатларини кўзлаб яшаётган ходимларгина раҳбарлик қилиш ҳуқуқига эгадирлар». Тўғри айтилган, халқ дилидаги сўз! Ҳамма вақт, ҳар қачон шундай бўлиб қолиши керак.

Буни ўқидим-у, юқоридаги талабни корхонамиз бош директори Ф. С. Ли ҳаёти ва меҳнат фаолиятига таққослаб кўрдим. Бирлашма цехларида дейсиз, паррандабоқарлар посёлкасидами, ҳамма жойда уни ёшу қари танийди, ҳурмат қилади. Чунки Фёдор Сергеевич ўзининг 24 йиллик ҳалол меҳнати, ташкилотчилиги, халқ ишига жонкуярлиги туфайли коллектив эътиборини қозонган.

У паррандачилик бирлашмаси ташкил топган йил — 1966 йилдан бошлаб корхонага раҳбарлик қилиб келмоқда. Бу вақт ичида, бирлашма ишлаб чиқариш ва иқтисодий кўрсаткичлари ҳайратда қолдирадиган даражада ўзгарди. Масалан, 1966 йили 100 минг товуқ бўлган бўлса, ўтган 1989 йили 650 мингтадан ошиб кетди. Бу йил эса товуқлар сонини бир миллионга етказишга аҳд қилганмиз. Шунга яраша маҳсулот ишлаб чиқариб, Озиқ-овқат программасини амалга оширишга салмоқли ҳисса қўшиш ниятидамиз. Жорий йилда бирлашмамиз аҳли 160,5 миллион дона тухум тайёрлашни планлаштирган. Корхонамиз ўтган давр ичида 60 миллион сўм фойда олди. Эндиликда ишлаб чиқаришнинг ҳамма бўлинмалари хўжалик ҳисоби асосида иш юритмоқда.

Айни кунларда бирлашма раҳбарлари, партия ва касаба союз ташкилоти асосий эътиборни ишчиларнинг ижтимоий-маънавий шароитини яхшилашга қаратган. Яқинда «Узптицепром» бизнинг корхонамиз базасида илғор тажрибани ўрганиш ва кенг ёйиш бўйича республика паррандабоқарларининг семинар-кенгашини ўтказди. Кенгаш программасига ишлаб чиқариш масалаларини ўрганиш билан бирга, паррандабоқарларимиз посёлкасини кўриш, ишчиларнинг маданий-маиший аҳволи билан танишиш ҳам киритилган эди. Семинар қатнашчилари посёлкада яшовчилар ҳаёти ва уларга яратилган шароитларга юқори баҳо беришди. Улар ишчиларнинг иситиш системалари билан жиҳозланган ва газлаштирилган бекаму-кўст хонадонларида, 640 ўринли ўрта мактаб, 600 ўринли учта болалар боғчаларида бўлдилар. Посёлкада спорт мактаби, стадион, бассейн, ошхона, чойхона, магазин, дорихона, видеобар, соғлиқни сақлаш пункти, 25 ўринли стационар борлигини кўриб қувондилар.

Ҳозир посёлкамизда Маданият уйи қурилиши авж олдирилган. Бизда уй-жой муаммоси тўлалигича ҳал қилинган. 30 минг квадрат метрли уй-жой фондимиз бор. Эндиликда фақат меҳнатчиларимизнинг уй-жой аҳволини янада яхшилаш мақсадида янги уйлар қурямиз.

Бу ютуқларнинг барчасида Фёдор Сергеевичнинг ҳиссаси катта бўлди. У ўзининг жонкуярлиги, ташкилотчилиги билан бу ишларга бошчилик қилди. Яна ўз раҳбарини мақтаяпти, деб ўйламанг. Бусиз ҳам у корхонамиз ва паррандабоқарлар посёлкаси аҳли олқишига сазовор бўлган. Очиғи, кейинги пайтда яхши раҳбар ишини кўрсатиш ўрнига нуқул уларни асослими, асоссизми — бирваракайига танқид қиляпмиз. Бунда ўрмондаги ҳўлу-қуруқ бирга ёнгандай бўляпти. Ишчан, ҳалол раҳларларимиз айрим бюрократ раҳбарнинг нопок фаолиятига берилаётган баҳолар соясида қолиб кетмоқда.

Сир эмас, баъзи бир раҳбарлар ишни тўғри йўлга қўя олмайдилар. Айниқса, инсон омилига, ишчиларнинг ижтимоий шароитларини яхшилаш масалаларига умуман эътибор бермайдилар. Уларнинг дарди — нима қилиб бўлса ҳам планни бажариш, шу аснода юқори раҳбарият олдида ўзини кўрсатиш. Ҳаракат дастурида айтилганидек, эндиликда бундай раҳбар кадрларга бизнинг республикамизда ўрин йўқ. Ҳозирги қайта қуриш даврида халқ ишончи ва ҳурматини қозонган, унинг дардига ҳамоҳанг бўлган ва кишиларимиз турмуши ҳамда манфаатини кўзлаб меҳнат қиладиган раҳбарлар сув билан ҳаводек зарур. Уларни авайлаш керак.

Ермамат ЧЎТОНОВ,
СССР 50 йиллиги номли Қувасой паррандачилик бирлашмаси слесарь-оператори, посёлка Совети депутати.

СССР Олий Советининг учинчи сессиясида

Ер тақдири—халқ тақдири

ТАССНИНГ ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРЛАРИ КРЕМЛДАН ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

20 февраль эрталаб очилган навбатдаги ялпи мажлисда СССР Олий Советининг аъзолари раислик қилувчи А. И. Лукьяновнинг таклифи билан ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг ер тўғрисидаги қонун асослари лойиҳасини муҳокама қилишни давом эттирдилар.

Мазкур масала юзасидан ўтказилган мунозаранинг авалги даврларида бўлганидек бу гал ҳам деҳқонга ер эгалик ҳуқуқи берилиши зарурлигига ишонганлар билан бунга ҳали вақт эрта ва бу ҳатто хавфли қадам деб ҳисоблаётганлар ўртасидаги қарама-қаршилик сақланиб қолди. Масалан, депутат А. Ф. Касьяновнинг фикрига кўра, тақдим этилаётган «Тескари коллективлаштириш» лойиҳаси мамлакатни тўйдира олмайди. Мавжуд хўжаликларнинг яшаш қобилиятини, улар ишлаб чиқараётган маҳсулотларни сақлаш ва қайта ишлашни таъминлаш керак, деб ҳисоблайди у. Шу даражада масъулиятли бўлган ҳужжатни шошма-шошарлик билан амалга ошириш керак эмас, уни энг аввало республика Олий Советларининг янги составлари маъқуллашлари лозим.

Депутат В. И. Штепа деҳқон якка хўжаликлари келажаги ва истиқболига ишончсизлик билан қаради. У колхоз ва совхозларнинг илмий ҳамда техникавий имкониятларини ошириш учун эътиборни қаратишга чақирди.

Депутат В. И. Белов ер масаласи тўғрисидаги Қонун амал қилишини тўхтатиб қўйиш тарафдорларига қаттиқ эътироз билдирди. Унинг сўзларига қараганда «марксизмга асосланган крепастнойлик ҳуқуқи йўқ бўлиши, деҳқон эса ердан бошқа ҳамма нарсадан эркин бўлиши лозим». Агар бизнинг баҳсларимиз ва мажлисларимиз тарихда қоладиган бўлса, деди у, унда бу фақат ана шу энг муҳим қонуннинг бугун қабул қилиниши туфайли бўлади.

Муҳокама қилинаётган ҳужжатнинг тақдирга дахлдорлиги тўғрисидаги фикрларга унинг моддаларига ҳам стилистик, ҳам принципиал жиҳатдан тузатишлар киритган нотиқларнинг кўпчилиги қўшилди.

СССР Олий Совети Президиумининг Фармони

СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ СССР КОСМОНАВТ-УЧУВЧИСИ ЎРТОҚ А. С. ВИКТОРЕНКОНИ ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

«Мир» орбитал илмий-тадқиқот комплексида космик парвозни муваффақиятли амалга оширгани ва бунда мардлик ҳамда қаҳрамонлик кўрсатгани учун Совет Иттифоқи Қаҳрамони СССР космонавт-учувчиси ўртоқ Александр Степанович **Викторенко Октябрь Революцияси** ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Советининг Раиси
М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль
1990 йил 19 февраль.

СССР Олий Совети Президиумининг Фармони

СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ СССР КОСМОНАВТ-УЧУВЧИСИ ЎРТОҚ А. А. СЕРЕБРОВНИ ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

«Мир» орбитал илмий-тадқиқот комплексида космик парвозни муваффақиятли амалга оширгани ва бунда мардлик ҳамда қаҳрамонлик кўрсатгани учун Совет Иттифоқи Қаҳрамони СССР космонавт-учувчиси ўртоқ Александр Александрович **Серебров Октябрь Революцияси** ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Советининг Раиси
М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль
1990 йил 19 февраль.

КПСС Марказий Комитети Ҳаракат дастури лойиҳасини ўқиб

КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури лойиҳасини қониқиш билан ўқиб чиқдим. Унда таклиф этилаётган йўл-йўриқлар системаси партиямиз учунгина эмас, балки бутун жамиятимиз тараққиёти учун ҳам муҳим эканлигини ҳис қилдим. Партия ҳозирги ва келгусидаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишни туб иқтисодий ислоҳот билан чамбарчас боғлиқ, деб билмоқда.

ЭЪТИБОРСИЗ ҚОЛАЁТГАН РЕЗЕРВ

Мени Ҳаракат дастурида таъкидланган табиатдан оқилона фойдаланиш, ресурсларни тежаш, хом ашё ва материалларни, меҳнат сарфини тежаш программаларини амалга оширишга, хўжасизликка қарши курашга диққат-эътиборни кучайтириш масалалари айниқса ўйлантириб қўйди.

Халқимизда «Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ» деган гап бор. Саноат корхоналари олдидан ўтаётиб тоғ-тоғ чиқиндиларни кўриб сиз ҳам худди шундай хулосага келасиз. Қани энди тадбиркор киши бўлса-ю, шу чиқитлардан фойдаланиш йўлларини топса, дейсиз. Аслида бунинг учун на япон технологияси, ва на чет эл мутахассиси керак. Фақат қунт, изланиш бўлса бас.

Ҳозирги пайтда республикамизда уй-жой масаласини ҳал қилишда қурилиш материаллари тақчиллиги ҳаммамизга аён. Бу муаммо меҳнаткашларга шахсий томорқа ажратила бошлагандан кейин яна ҳам кескинлашди. Хўш, бу соҳада саноат чиқиндиларидан фойдаланса бўлмайдими? Албатта, бўлади. Бунинг учун илмий изланишни кучайтириш, амалий таклифларга кўпроқ эътибор бериш зарур.

Биргина мисол келтирай. Бизнинг Фарғона, Қувасой иссиқлик электр станцияларида тўпланиб қолган кўмир кулларига озгина ишлов бериб, ҳар хил қурилишбоп материаллар тайёрлаш мумкин. Бундан ташқари, Фарғона азот ўғитлари заводи чиқиндиси таркибидаги азот миқдори билан ҳам цемент, оҳак каби қурилиш материалларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйса бўлади.

Очиғи, бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Лекин менимча, республикамиз корхоналарида ички резервларнинг бир қисми ҳисобланган саноат чиқиндиларидан фойдаланиш қониқарсиз даражада олиб бориляпти. Аҳволни тезроқ ўнглаб олмасак, келажак авлод бизни кечирмайди. Чунки пухта ўйламасдан қилинган ҳар бир ҳаракат пировардида ўз салбий натижасини кўрсатади. Буни қуриб бораётган Оролимиз мисолида кўриб, ишонч ҳосил қилдик.

Шундай экан, чуқур илмий изланишлар асосида саноат корхоналари чиқитларини ишлатишнинг янги усулларини топиб, ишлаб чиқаришга кенг жорий қилиш ҳом ашё ва материаллар танқислигини бартараф этишда катта резерв, деб ҳисоблайман.

А. ҚУРБОНОВ,
«СредазНИПИ» лойиҳалаш институти Фарғона бўлими технологи.

ДЕМОКРАТИК АСОСЛАРГА ТАЯНАЙЛИК

Ўн олти йилдан буён партия сафидаман. Ўз тақдиримни партия билан боғлаганимдан ҳеч қачон пушаймон қилмаганман. Мен билан ёнма-ён меҳнат қилаётган кўпчилик оддий коммунистлар ҳам шундай фикрда.

Қайта қуриш туфайли мен сингари оддий кишилар ҳам сайлаб қўйиладиган партия органи составига киришга муваффақ бўлишди. Партиянинг келажагини мана шундай кишилар ҳал қилади, деб ўйлайман.

Шунинг учун ҳам КПСС Марказий Комитетининг февраль Пленуми материалларини ва Марказий Комитетнинг КПСС XXVIII съездига Ҳаракат дастури лойиҳасини биз чуқур ҳаяжон билан ўқимоқдамиз. Иш ўртасида бўладиган танаффусларда, сафдошлар ўртасидаги суҳбатларда М. С. Горбачев ва бошқа нотиқларнинг Пленумда киритган таклифлари, дастурда кўтарилган янги қондалар қизғин муҳокама этилмоқда.

Яқинда партия комитетимизнинг навбатдан ташқари мажлисида ҳам мана шу масалани муҳокама қилдик. Менинг назаримда, йиғилишда монтажчилар бригадасининг бошлиғи М. Галиакперов билдирган фикр диққатга сазовор. Дарҳақиқат, партиянинг ўрта бўғини аппаратида раҳбарлик қилувчи кишилар кўпайиб қолган, қайта қуриш жонкуярлари эса кам.

Масалан, шаҳримиз марказида жойлашган, энг баланд ва серҳашам ҳисобланган бино партия аппарати ходимлари ихтиёрига бериб қўйилган. Бешинчи қаватгача бўлган хоналарда шаҳар партия комитети ходимлари, ундан юқоридаги қаватларда эса область партия комитети ходимлари жойлашиб олишган.

Хўш, нисбатан кичик бир шаҳарда иккита шундай нуфузли партия комитети аппаратини сақлаш шартмикин? Ахир, уларнинг барчаси биз тўлаётган партия бадаллари ҳисобига маош олишяпти-ку. Ундан кўра ленинградликлар тажрибасини қўлланиб, область ва шаҳар партия комитетларини бирлаштириш фойдали эмасми? Менимча, бундай тадбирлар чинакам партиявий қайта қуришга хизмат қилади. Дарвоқе ойма-ой тўплаб берилаётган партия бадаллари ҳам қайси мақсадларда сарфланаётгани бизга номаълум. Бу нарса ҳам ошкораликни талаб қилади.

КПСС Марказий Комитети Ҳаракат дастури лойиҳасида таъкидланганидек, партия бошқарувини амалга оширишда сайлаб қўйиладиган орган аъзолари ролини кескин кучайтириш лозим. Бу эса ўз-ўзидан келгуси ҳисобот-сайловлар давомида мазкур ишга принципиал жиҳатдан бошқача ёндашишни талаб қилади.

Биз партия комитети составига сайлаш ҳуқуқини бевосита бошланғич ташкилотларга бериш лозим, деб ҳисоблаймиз. Мана, шунда меҳнат коллективларида чинакам ишбоши бўлган коммунистлар сайлаб қўйиладиган орган составига қўшилишади. Ишчилар синфи ўртасида эса бошқарувга лаёқатли, ташкилотчи кишилар етарли, фақат уларни юзага чиқариш учун КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастурида белгиланган вазифаларни чинакамига амалга ошириш лозим.

Мазкур дастур лойиҳаси билан танишар эканмиз, ундаги партия, давлат ва хўжалик органлари вазифаларини ўзаро чегаралаш тўғрисидаги қоидани зўр қониқиш билан қабул қилдим.

Умуман партия турмушида чинакам янгиланишнинг муваффақияти Ҳаракат дастурида қайд этилганидек партия ишини тубдан қайта қуришга боғлиқ. Биз, оддий коммунистлар буни чуқур ҳис қилиб, жанговар сафларда қатъий туриб партиямиз манфаатларини ҳимоя қиламиз.

О. НОСИРОВ,
Бухоро уйсозлик комбинати мастери, шаҳар партия комитетининг аъзоси.

ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙМИЗ

КПСС Марказий Комитетининг февраль Пленуми партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури лойиҳасини ишлаб чиқиб, тўғри иш қилди. У янгиланиш йўлида қўйилган муҳим қадам бўлди. Бу ҳужжатда мамлакатимизда вужудга келган оғир ва мушкул вазият рўй-рост, ошкора таҳлил этилган ва ундан қутилиш йўллари белгиланган.

Чунончи, Ҳаракат дастури лойиҳасида шундай сатрлар бор: «Инсонни амалда ижтимоий тараққиётнинг марказига қўйиш, унга муносиб турмуш ва меҳнат шароитини, ижтимоий адолатни, сиёсий эркинликни, шахснинг ҳар томонлама камол топиши ва маънавий жиҳатдан юксалиши имкониятини таъминлашни партия ўзининг асосий мақсади, деб билади. Жамият тараққиёти айнан шу жиҳатлар билан белгилаб борилиши керак».

Бу режалар кишини ғоят руҳлантиради, янги-янги марралар сари йўналтиради. Инсон ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза қилади. Депомиз коллективи Ҳаракат дастури лойиҳасини зўр қизиқиш билан ўрганяпти ва унга ўз муносабатини билдирмоқда. Депомизда 150 дан зиёд коммунист бўлиб, улар Ҳаракат дастури лойиҳасини кенг тарғиб қилишга киришдилар.

Партия XXVIII съездини чақириш муддати олдинга сурилгани, унга делегатлар сайлаш тўғридан тўғри ва яширин овоз бериш йўли билан ўтказилишини депомиз коммунистлари қизғин қўллаб-қувватламоқдалар. Ҳозир биз Ҳаракат дастури лойиҳасини ўрганишга бағишлаб, очиқ партия йиғилиши ўтказиш учун тайёргарлик кўряпмиз. Партия ўқуви системасида, цех, бригада коллективларининг оператив йиғилишларида Ҳаракат дастури лойиҳаси ҳақида ахборотлар бериб боряпмиз.

Р. ХОЛМИРЗАЕВ,
Андижон локомотив депосининг бош бухгалтери.

ЖОНАЖОН ВАТАН БЎЙЛАБ

● **ЧИТА.** Чита областининг Онон районидаги граждан ташкилотлари — қишлоқ касалхоналари ва поликлиникалари номига шошилинч равишда жўнатилган ҳарбий юклар етиб келди. Байкалпорти ҳарбий округи армия омборларидан бу ерга кўплаб замонавий табобат ускуналари, шунингдек жарроҳлик асбоблари етказиб берилди.

● **МОСКВА.** Франциянинг «Интерконтампорен» ансамбли совет томошабинларига XX аср композиторлари истеъдоди билан яратилган ажойиб мусиқали программани тақдим этди. Душанба куни Москва консерваториясининг катта залига томошабинлар келишиб, мамлакатимизда илк бор гастрол қилаётган меҳмонларнинг концертини кўришди. Франциядан келган ансамбль Ленинградда ҳам концертлар беради.

● **ВОРОНЕЖ.** Европадаги 12 мамлакатнинг дин пешволари Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши ҳужжатларида белгилаб берилган тинчликни мустаҳкамлаш жараёнида черковларнинг аҳамияти ҳақидаги масалани муҳокама қиладилар. 19 февраль куни Воронежнинг Покровский кафедрал ибодатхонасида Европа черковлари конференцияси «Тинчлик, адолат ва инсон ҳуқуқи» комитетининг ишчи мажлиси бошланди. Комитет мажлиси тўрт кун давом этади.

● **ЧЕЛЯБИНСК.** «Қақнус қуши» — славян, татар, бошқирд, немис ва яҳудий маданият марказлари Челябинск шаҳрида илк бор ҳамкорликда ўтказган адабий-мусиқали ва публицистик кеча шундай деб аталади. «Малахит» рус халқ ориестри, «Кристал» немис фольклор ансамбли, бошқирд ансамбли ва яҳудий болалар ансамбли рангбаранг концерт программасини намойиш этдилар.

● **ПЕТРОЗАВОДСК.** Карелия пойтахтида бошланган Совет-Фин чанги юришининг мамлакат ҳудудидан ўтиб Исалми шаҳригача боради. Турли касб вакиллари бўлган ҳаваскор чангичилар шаҳарлар ва қишлоқларда тўхтайдилар, концертлар берадилар, реклама фильмларини кўрсатадилар, савол ва жавоб кечаларини ўтказадилар. Бу тадбирларда сафар мутасаддилари: Петрозаводск давлат дорилфунуни, «Карллеспром» бирлашмаси, Финляндиянинг «Сеура» журнали қатнашади.

(ТАСС).

● **ТБИЛИСИ.** Шаҳар инкассаторлари қулай машина билан таъминландилар. Француз фирмаси ишлаган ва мустаҳкам пўлат сейфлар билан жиҳозланган бу автомобиллар ўқ ўтмасдир.

Суратда: шаҳар кўчаларида янги автомобиль.

ТАСС сурати.

• ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ҚАЙТА ҚУРИШ ЧОРРАҲАЛАРИДА

АНДИЖОНЛИКЛАР АРМОНИ

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ ҚАЙТА ҚУРИШНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ, СИЕСИЙ ВА ТАШКИЛОТЧИЛИК ИШЛАРИНИНГ АҲВОЛИ ХУСУСИДА

Ҳозир қайта қуриш, янгиланиш даври. Партия ташкилотлари турмушини соғломлаштиришнинг энг муҳим жиҳати коллективчилик принципи, ошкоралик ва демократия узлуксиз ривожлантирилаётган давр. Партия ташкилотлари ва коммунистларнинг жанговарлиги, авангардлиги умумий гапларда эмас, балки амалий ишларда ифодаланадиган вақт. Партия Марказий Комитети ана шунга қатъий амал қилишнини талаб этмоқда. Шунга риоя этилмаган, коллектив раҳбарлик принципи унутиб қўйилган, биргаликда ишлаш ўрнига якка шахснинг фармойиши билан иш кўрниладиган жойда қўпол хатоларга йўл қўйилишини ҳаёт бир неча бор тасдиқлаган.

Андижон областида ана шундай воқеа рўй берди. Бир пайтлар халқ хўжалигининг ҳамма соҳалари гуркираб ривожланган область кейинги йилларда орқада қолди. Бундай қолоқлик деҳқончиликда, айниқса пахтачиликда яққол кўринди. Область саноат соҳаси бўйича ҳам водийда охирги ўринда. Хўш, бундай қолоқликнинг сабаблари нимада? Область халқ хўжалиги нега оқсаб қолди?

ОБЛАСТЬ саноат ишлаб чиқаришидаги аҳвол ғоят ташвишлантирарли даражада. Бу соҳада планлар шартнома мажбуриятларининг бажарилишини қўшиб ҳисоблаганда тўрт йилдан бери узлуксиз бажарилмай келяпти. Ўтган йил якунлари ҳам ана шундай: ҳар учта корхонанинг бирида ишлаб чиқариш ҳажми авалги йилдагига нисбатан камайтириб юборилган. Маҳсулот етказиб бериш бўйича тузилган шартномалар 1988 йилда 99,1 фоиз, 1989 йилда эса 98,1 фоизда қолди. Бултур истеъмолчиларга 23 миллион 144 минг сўмлик маҳсулот етказиб берилмади.

Область саноати халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш планини ҳам тўлиқ адо этгани йўқ. Андижон ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмаси 19 миллион сўмлик, «Фотон» заводи 433 минг сўмлик, гидролиз заводи 849 минг сўмлик маҳсулот бермади.

Шунингдек, ўтган йили 58 корхона ва ташкилот пуллик хизмат кўрсатиш бўйича реализация планини бажаролмади, 22 та корхонада меҳнат унумдорлиги пасайиб кетди. Оқибатда 24 миллион 315 минг сўмлик маҳсулот берилмай қолди.

Албатта бундай оқсашлар ишчи ва хизматчиларнинг моддий манфаатдорлигига салбий таъсир кўрсатяпти. Область ҳисобот бошқармасининг маълумотига кўра ўтган йили ҳар бир ишчи ва хизматчининг ўртача ойлик иш ҳақи 159 сўмдан ошмаган.

Капитал қурилиш соҳасидаги ишлар ҳам талаб даражасида эмас. 1989 йили марказлашган ва марказлашматан молиявий маблағ ҳисобига смета қиммати бўйича 256 миллион 886 минг сўмлик асосий фондларни ишга солиш кўзда тутилган эди. Аммо бунинг 218 миллион 764 минг сўми ёки 85,2 фоизи ишга солинди, холос. 17 миллион 729 минг сўмлик капитал маблағдан умуман фойдаланилмади.

Қишлоқ хўжалиги, хусусан пахтачилик соҳасидаги ишлар айниқса ачинарлидир. Областда 1986 йилдан бери пахта тайёрлаш планлари узлуксиз бажарилмай келяпти. Ўтган йили давлат қўшимча маблағ ажратган бир шароитда ҳам план бажарилмади. Давлатга 477 минг 899 тонна пахта сотилди, ҳосилдорлик 28,3 центнерга тушиб қолди. Ялпи ҳосилнинг фақат 36,5 фоизи машина терими ҳисобига тўғри келди. Областдаги 147 та хўжаликдан 82 тасигина йиллик планни бажаришга эришди. Ваъдага вафо қилмаган колхозлар ва совхозлар ҳисобига область давлатдан 30 минг 684 тонна пахта қарздор бўлиб қолди.

Тўғри, дон, маккажўхори дони етиштириш планлари ошириб адо этилди. Бироқ, бу соҳада ўзига хос қўшиб ёзишлар содир бўлди. Арпа ва буғдойдан бўшаган ерларга дон учун маккажўхори экилиб, олинган ҳосил баҳорда экилган маккажўхори ҳисобига ёзилди.

Сабзавот ҳосили яхши бўлгани ҳолда ҳўл мева ишлаб чиқариш плани 57,8 фоизда қолиб кетди. Давлатга узум, полиз маҳсулотлари, пилла сотиш планлари ҳам бажарилгани йўқ.

Умуман, область колхоз ва совхозларида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш бўйича олинган пул даромади 1985 йилдаги 550 миллион 980 минг сўмдан 1988 йилда 503 миллион 298 минг сўмга тушиб қолди. Шунингдек, пахтачиликда ҳам даромад олиш кескин камайиб кетди.

Ушбу рақамлардан кўриниб турибдики, область иқтисодиёти кўпгина соҳаларда ривожланиш ўрнига орқага кетди. Хўш, нега шундай бўляпти? Область партия комитетининг ташкилотчилик ва сафарбарлик роли нега амалда ўз таъсирини кўрсатмаяпти?

1985 йил ёзида Маҳмуд Маърупович Орифжонов область партия партия комитети биринчи котиби этиб сайланди. Биз уни яхши биламиз, Андижонга келгунича турли партия органларида ишлаган. У ўз тажрибасидан фойдаланиб, деҳқончилик, айниқса пахтачилик соҳасини чуқур ўрганиб, жумҳуриятимизда ўша кезларда энг оғир карвон ҳисобланган Андижонда пахтачиликка эҳтиётлик билан муносабатда бўлиш керак-лигига эътиборни кучайтириши лозим эди.

Бироқ, М. Орифжонов ўз фаолиятини пахта илмини яхши билган деҳқонлар тажрибасини ўрганиш ўрнига колхоз ва совхозларнинг кўп йиллик тажрибага эга бўлган, фидокор саркорларини бирин-кетин у ёқдан бу ёққа суришдан бошлади. Бунинг учун ўша пайтларда раҳбарларни ёшартириш ҳақида «юқоридан кўрсатма борлиги» қўл келди. Қолаверса қўшиб ёзиш иллати муносабати билан колхоз ва совхозларда одамларни ишдан олиш, «қама-қама»лар бошланган эди. Область партия комитети секретари айрим масъулиятсиз маъмурий органлар ишини батафсил ўрганиб, адолатнинг қарор топишига эришмади. Бунинг ўрнига омон қолган хўжалик раҳбарларини тез фурсатда бир сидра, баъзан икки сидра алмаштиришга улгурди. Натижада кўп хўжаликларга ҳаёт тажрибасига эга бўлмаган, ҳатто тасодифий кадрлар раҳбар бўлиб қолди.

Устига устак деҳқончиликда янги-янги «ташаббуслар»ни кашф эта бошлади. Унинг биринчи «кашфиёти» колхоз ва совхозларда тажриба участкаларини ташкил этиш бўлди. Ҳар бир бригадада умумий ер майдонининг 10 фоизини махсус тажриба участкаси қилиб ажратишни талаб этди. Масалан, бир бригадада 100 гектар пахта майдони бўлса, шунинг 10 гектари ҳосилдорликни ошириш тажриба участкасига айлантирилди. Қалин металлдан, нархи 46 сўмгача бўлган рангли лавҳалар тайёрланиб, шу дала четига қоқилди. Бригада бошлиқларидан бу участкаларга алоҳида эътибор бериш талаб қилинди. Натижада бригадирлар ҳам «бу кашфиёт ери»ни деб, топган ўғитларини шу далага олиб келиб солавердилар. Барибир, областда пахта плани бажарилмади. Бинобарин, бу «тажриба» ҳақида ҳеч ким оғиз очмай қўйди.

Келаси йили эса рекорд ҳосил етиштириш учун кураш бошланди. Бир гуруҳ деҳқонлар область партия комитети бюроси мажлисига чақирилиб, уларнинг елкасига қизил алвонлар осилди. Бу алвонларда «50 центнердан пахта ҳосили етиштираман», «Маккажўхоридан 150 центнердан дон оламан», «2000 центнердан лавлаги топшираман», «500 центнердан сабзавот бераман» деб битилган лавҳалар бор эди. Бюро мажлисида рекорд ҳосил етиштириш учун қуруқ ваъда бераётганлар шаънига қарсакбозликлар авжига чиқди. Бироқ, йил охирлаб ғалвир сувдан кўтариладиган пайтда бутун ёзу-куз мавсумида ноғора қилиб чалинган «ташаббуслар» яна унутиб юборилди. Ҳеч ким суриштирмади. Айрим «ташаббускор»ларни топиб ҳам бўлмади.

Андижонликлар яна бир «ташаббус»нинг шоҳиди бўлдилар. Марказий телевидение Венгрияда аллакимнинг целлофан қопларда помидор, бодринг ўстираётганини кўрсатган эди. Ҳамиша ёғин-сочин бўлиб турадиган, экинлари суғорилмайдиган жойларда, эҳтимол, бу усул яхши самара бергандир, аммо целлофан қоп усули обкомнинг баъзи раҳбарларига ёқиб қолиб, улар областдаги барча колхоз ва совхозларда, идора ва гаражларда неча ўн минглаб шундай қопларда бодринг ва бошқа кўкатлар ўстирмоқчи, шу йўл билан аҳолининг сабзавот маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондирмоқчи бўлишди. Аммо синовдан ўтмаган бу усул ҳам буткул ўзини оқлагани йўқ. Қайтага қанчадан қанча одамларнинг иш вақти ва маблағлар (ҳар бир целлофан қопга ўрта ҳисобда 7 сўм сарфланди) ҳавога совирилди.

Хуллас, пировард натижани ўйламай, илмий асосларга, деҳқончилик қонун-қоидаларига суянмай ўзбошимчалик билан жорий этилаётган бундай кашфиётларнинг сони кўп. Маккажўхори ва беда майдонларини «қўриқлаш» учун мутахассисларнинг ҳисоб-китобича, область хўжаликларида 2 минг кубометр тахта, яна аллақанча бўёқ сарфлаб, ҳар бир колхозда олтитадан ўнтагача баланд-баланд сўрилар ясатилди. Бироқ бутун ёз бўйи сўриларга бирор киши чиқиб, қўриқчилик қилгани йўқ.

Область раҳбарлари колхоз ва совхозларда жамоат чорвачилигини «талон-торож қилишдан» сақлашни ўз қўлига олиш мақсадида деҳқончилик мутахассислари ва шу соҳага алоқадор кишилар асосий юмушидан қолдириб, икки ой давомида фермалардаги барча сигирларни, новвосларни, бузоқларни, қўй-қўзиларни ва ҳатто товуқларни ҳам битта-биттадан торозида тортишга мажбур қилишганига нима дейсиз. Улар бу ишни ойма-ой такрорлашни қаттиқ туриб талаб этишди. Мутахассис ва ферма ходимларига ҳар бош сигирдан бир йилда 100-120 тадан бузоқ олиш, баҳорда туғилган қўзилардан эса кузга бориб қўзи олиш ҳақида вазифа юклангани, ҳатто чорвачиликни тушунмайдиган кишиларни таажжублантириб қўйди.

Ажаб ҳангомалардан яна бири шу бўлдики, область раҳбарлари топшириғи билан колхоз ва совхозларда оралиқ сабзавот экиш расм бўла бошлади ва айрим ҳайбараклачи мутахассислар бундай усул билан ҳатто миллион сўм даромад олиш мумкин эканлиги ҳисоб-китоб қилиб ҳам чиқишди. Асакадаги «Социализм» колхозининг 200 гектар ерда редиска, карам, резавор ўстириб, камида 4 миллион сўм даромад қилиш режасини бир йил олдин область партия комитети бюроси маъқуллаб, бу ташаббусни газета ва радиода эълон қилган эди. Аммо ўша йили кузга борибоқ бу ташаббус ҳам юлдуз кўрмай жон берди.

Шунақанги хатти-ҳаракатлар ва бошқа бир қанча сохта ишлар ўз касбини пухта биладиган оддий деҳқон ва чорвадорларнинг ўткир назаридан четда қолмади. Зеро, четда қолиши мумкин ҳам ёмас эди. Шу тариқа одамларда область партия комитети ва энг аввало унинг биринчи котиби М. Орифжоновга нисбатан ҳурмат ва ишонч йўқола борди.

Бу ҳол кадрларни танлашда, СССР халқ депутатлигига сайловлар пайтида янада яққолроқ намоён бўлди.

Кейинги йилларда Андижон областига четдан кадрлар келтириш одат бўлиб қолди. Ваҳолонки, шу ернинг ўзида истеъдодли ва ташкилотчи кадрларни истаганча топиш мумкин. Қолаверса, область партия ташкилотининг вазифаси ёш кадрларни тарбиялаш ва уларни камол топтириб, муносиб ўринларга қўйишдан иборат эмасми?

Кадрларни муқим ишлатиш ўрнига, область ичида у ёқдан бу ёққа юбориш ҳам одат тусига кириб бораяпти. Балиқчи район партия комитетининг биринчи котиби А. Мўминов Комсомолобод районига, Избоскан район ижроия комитетининг раиси Б. Раҳмонов Балиқчи районига, Москва район ижроия комитети раиси С. Ашуров Хўжаобод районига, Жалолқудуқ район ижроия комитетининг раиси М. Эргашева Пахтаобод районига, Қўрғонтепа район партия комитетининг биринчи котиби Б. Болтабоев Бўз районига, Ленин район партия комитетининг биринчи котиби Ҳ. Исмонов Москва районига райкомнинг биринчи котиблиги вазифасига юборилдилар. Улар янги жойдаги шароитни ўрганиб, ишларнинг аҳволи билан танишиб олгунича орадан ойлар ўтди. Кадрларни бу ҳилда ўзгартираверишнинг услуби асло районлардаги мавжуд аҳволга ижобий таъсир ўтказгани йўқ. Аксинча, халқ орасида обкомнинг кадрлар билан ишлаш сиёсатига ишонч йўқолди.

Биз юқорида область хўжаликлари раҳбарлари охир-оқибатини ўйламай алмаштирилганини қайд этган эдик. Яна шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ана шу раҳбарлардан баъзилари ҳеч айблари бўлмасада, ишдан бўшатилдилар. Мисол учун Обиджон Акбаровни олайлик. У Марҳамат районидаги Қорақўрғон қишлоғида туғилган. Шу ерда ўсиб, кўп йил колхозда механизатор бўлиб ишлади. У Марказий Фарғона ерларини ўзлаштириш учун бориб, иккиуч йил давомида вагон уйда бола-чақаси билан яшаб, меҳнат қилди. Аввал бригадир, кейин бўлим бошқарувчиси бўлиб ишлади. Халқ унинг хизматларини юқори баҳолаб, СССР Олий Совети депутати қилиб сайлади. Пировардида у «Оқолтин» совхозига директор бўлди. Пахтачилик билан бир қаторда чорвачиликни ривожлантиришга астойдил киришди. Тўғри сўзлиги туфайли йиғилишлардан бирида обкомнинг биринчи котиби М. Орифжоновнинг гапини қайириб ташлади. Шу баҳона бўлди-ю Обиджон Акбаров қувғинга тушди. Охири директорликдан кетишга мажбур бўлди. Гарчи у хизмат вазифасидан бўшатилган бўлса ҳам совхоздан кетгани йўқ. Оилавий бригада тузиб, деҳқончилик қилаверди.

Тошхон Ҳожиқосимова ҳам Марказий Фарғона чўлларида биринчи чироқ ёққанлардан. У комсомоллик йилларида ёшлик куч-қувватини қўриқ очишга сарфлади. Чўлда узоқ йил колхоз раиси, райком секретари бўлиб ишлади. Ҳозир Асакадаги «Коммунизм» колхозида правление раиси. У ҳам тўғри сўзлилиги билан обком котибига ёқмай қолди. Колхозга кетма-кет тафтишчилар кела бошлади. Уни қийин-қистов билан «касаллиги сабабли ишдан бўшатиш тўғрисида» ариза ёзишга мажбур қилишди. Кейин ўтган йилнинг 16 ноябрь куни терим айни қизғин паллага келган маҳалда колхозда мажлис чақирилиб, раиснинг аризаси муҳокамага қўйилди. Аммо колхозчилар йиғилишда Тошхон Ҳожиқосимовани раисликда қолдиришга қарор қилдилар.

Шу ўринда бир қиёслашга эҳтиёж туғилади: область партия комитети раҳбарларни қадрлаш ва қўллаб-қувватлаши лозим бўлган кадрларни хўрлашади, аммо ўз қадрини йўқотган кадрларга эса ёпишиб олишади.

Фикримизнинг далили сифатида фактларга мурожаат қилайлик. Область савдо бошқармаси тармоқларида камомад кўпайиб кетди. Андижон универсам магазинида 257 минг сўм, Андижон шаҳар саноат савдосига қарашли 2-магазинда 950 минг сўм камомад борлиги аниқланди. Давлатнинг шунча пули кўкка совириб юборилди. Бунда область савдо бошқармасининг бошлиғи М. Абдувалиеванинг айби ҳам бор. М. Абдувалиева дарҳол ҳимояга олинди. Область раҳбарларининг бу хилдаги ҳимоясидан руҳланган айрим савдо ходимлари эса давлат мулкини ҳамон ўмармоқдалар. Яқинда Андижон шаҳридаги 8-магазинда 86 минг сўм камомад аниқланди.

Обком бюросининг кўпчилик аъзолари область партия комитетининг биринчи котиби М. Орифжоновнинг ва унинг ёнида турган баъзи ходимларнинг нотўғри хатти-ҳаракатларини, меҳнаткаш халқнинг ҳақи ҳисобига қилаётган серчиқим «ихтиро»ларини юзига айтиб, уни тўғри йўлга солишда журъатсизлик қилмоқдалар. Оқибатда область партия комитетининг халқ орасидаги таъсири сусайиб, обрўсига путур етмоқда.

Буни биз яна бир мисол орқали кўрсатиб ўтмоқчимиз. Матбуотда КПСС ва Ўзбекистон Компартиясининг ҳаракат дастурлари эълон қилинди. Шу қаторда Андижон области партия ташкилотининг ҳам ҳаракат дастури область газеталарида босилиб чиқди. Обкомнинг бу муҳим ҳужжати билан танишиб чиқдик. Афсуски, ҳаракат дастурининг жуда ҳам бўш тайёрлангани, областни ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ривожлантиришнинг, меҳнаткашлар фаровонлигини оширишнинг, миллатлараро муносабатларни уйғунлаштиришнинг асосий йўналишлари тўла қамраб олинмагани, ҳужжат ўта умумийлиги, юзакилиги уни ўқиган кўпчилик кишиларни ғоят ранжитди.

Фикримизнинг далили сифатида ҳаракат дастуридан айрим жумлаларни айнан келтирамиз.

«9. ССР Иттифоқини, совет федерациясини янгилаш ва мустаҳкамлаш зарурлигини қатъият билан тарғиб қилиш, СССР ва иттифоқдош республикаларнинг давлат байроқлари ва бошқа рамзларига нисбатан ҳурмат билан қараш руҳини тарбиялаш...»

Бу ва шу каби мавҳум, баландпарвоз гаплар ҳаракат дастурида бир талай.

Ўқишда давом этамиз.

«...Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини, айниқса мевасабзавотларни сақлаш бўйича қувватларни ривожлантириш.

Аҳоли жон бошига гўшт, сут ва тухум етиштиришни 1996 йилга бориб 1,5-2 баравар кўпайтириш...»

Табиийки, меҳнатсевар, касб корини эъзозлаб, тузган режаларини астойдил ҳаракат қилиб амалга оширишга қодир, республика олдида турган муҳим вазифаларни амалга оширишга муносиб ҳисса қўшишга отланган Андижон аҳлининг иқтисодий, маданий, мафкуравий ва бошқа соҳаларда эришган, қўлга киритаётган ютуқлари, ижобий ишлари ҳам мавжуд. Бу алоҳида мавзу. Биз ушбу чиқишимизда андижонликларга армон бўлиб қолаётган нуқсонлар, камчиликлар, ечимини кутиб ётган муаммолар ҳақида фикр юритдик.

Область партия комитети ва унинг бюроси олдида меҳнаткашларнинг орзу-умидларини амалга ошириш, иқтисодиёт ва маданиятни янги босқичларга кўтаришдек муҳим вазифа турибди. Бугунги кунда ҳар бир раҳбар область тақдири учун жавобгарликларини теран англаб олмас экан, элнинг назаридан қолиши аён.

Рустам РАҲМОНОВ,
Мирза КАРИМ,
Анорбой ҚУРОНБОЕВ,
СССР Ёзувчилар уюшмасининг аъзолари.



АЪЛО СИФАТ БИЛАН

Самарқанддаги пармалаш бурғилари ишлаб чиқарадиган тажриба заводи коллективи кон қидирув ишлари учун ишлатиладиган асбоб-ускуналарни кўплаб ишлаб чиқариш ва уларнинг сифатини янада ошириш борасида астойдил меҳнат қилмоқда. Завод ишчилари орасида кенг авж олган мусобақада биринчи механика цехининг ишчилари олдинда боришяпти. Моҳир мастер Ҳамид Ҳошимов бошчилик қилаётган коллектив айниқса намуна кўрсатяпти. Бу ерда хизмат қилаётган созловчи Нарзи Роҳиев ва пармаловчи Зулхумор Ҳасановалар бажарган ишлар ҳар доим аъло сифатли.

Мастер Ҳамид Ҳошимов шу корхонада қарийб 25 йилдан бери ишлаб келмоқда. У бошлиқ сменада 30 ишчи хизмат қилмоқда, план ва топшириқлар сурункасига ошириб бажарилаётир. Тайёрланган маҳсулотларнинг 80 процентидан ортиғи Сифат белгиси билан қабул қилинмоқда.

Суратда: мастер Ҳамид Ҳошимов, созловчи Нарзи Роҳиев ва пармаловчи Зулхумор Ҳасановалар ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини яна ҳам ошириш борасида маслаҳатлашмоқдалар.

Ғ. АЛИЕВ сурати.

«МАТБУОТ ВА БОШҚА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ — МУҲОКАМАДА

МАТБУОТ— АДОЛАТ ПОСБОНИ

Социалистик жамиятимиз КПССнинг XIX Бутуниттифоқ конференцияси белгилаб берган янгиланиш ва қайта қуриш йўлидан ҳуқуқий давлатни барпо қилиш ҳамда жамият ҳаётининг барча жабҳаларини демократиялаш сари бормоқда. Мамлакат ҳуқуқий турмушининг барча соҳаларида иқиқлобий ўзгаришлар юз бермоқдаки, буни ошкораликсиз, совет кишиларининг эркинлик ва Совет Конституциясида зарҳал ҳарфлар билан битиб қўйилган ҳақ-ҳуқуқларини амалда рўёбга чиқариш учун мафкуравий курашларсиз тасаввур қилиш қийин.

Совет кишилари турғунлик йилларининг бюрократизм ва адолатсизлик «алласи» оқибатида маҳкум бўлган уйқу ҳолатидан уйғонмоқдалар, ўз инсоний ғурури ва тафаккурини ҳис эта бошладилар. Бунда албатта, кўп жиҳатдан халқ қалбининг тўридан жой олиб, унинг ҳимоячиси ва посбонига айланган матбуот, телевидение, радионинг беғараз роли улкандир.

Мамлакатимиз олий ҳокимияти томонидан умумхалқ муҳокамасига ҳавола этилган Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг «Матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонуни лойиҳасини совет кишилари мамнуният билан қарши олганлиги ҳам бунинг далилидир. Қонун лойиҳаси умумхалқ муҳокамасидан кейин мамлакат парламентида қабул қилиниши ҳуқуқий давлат кошонасини бунёд этишда қўйилган яна бир қадам бўлади.

Қонун лойиҳасида оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқ ва масъулиятлари, унинг халқ оммаси билан узвий алоқа йўллари, жамият ҳаётидаги ўрни батафсил баён этилган. Шу билан бирга, фикримча, Қонун лойиҳасининг баъзи моддалари мазмуни ва моҳиятига аниқликлар киритиш лозимки, бу унинг кучи ва таъсирчанлигини оширади.

Лойиҳанинг 3-моддасида: «Миллий озчилик ва регионал маданиятларга мансуб шахслар учун уларнинг она тилида оммавий ахборот тарқатиш ва олиш ҳуқуқи гарантияланади», — дейилган. Бу сон жиҳатдан озчиликни ташкил қилувчи миллатлар ва элатлар нафсониятига тегиши мумкин. Бундан ташқари оммавий ахборот воситалари лойиҳада айтилганидек, «шахслар учун» хизмат қилаётган созловчи Нарзи Роҳиев ва пармаловчи Зулхумор Ҳасановалар ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини яна ҳам ошириш борасида маслаҳатлашмоқдалар.

Ф. АЛИЕВ сурати.

«Миллий озчилик ва регионал маданиятларга» дейилган. Лекин бу ўринда ариза ким томонидан узил-кесил кўриб чиқилиши кўрсатилиши лозим эди.

Лойиҳа 12-моддасининг 1- қисмида «Оммавий ахборот воситасини рўйхатга олиш ҳақида гувоҳнома берилишининг рад этилиши, шунингдек унинг фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки ман қилишга доир қарор юзасидан редакция таъсисчи ёки ношир (нашриёт) билан келишган ҳолда судга мурожаат қилиши мумкин» дейилган. Фикримча, бу шундай низони кўриб, ҳал этилишини чигаллаштириб юборади. Шу сабабли бу жумладан «билан келишган ҳолда» деган сўзларни чиқариб ташлаш лозим. Чунки редакция фикри билан нашриёт ёки таъсисчи судга мурожаат қилиш учун келишмаса масала қандай ҳал бўлишлиги муаммо бўлиб қолган. Шу сабабли учала ташкилотнинг ҳам ўз манфаатини ҳимоя қилиш ҳуқуқи гарантияланиши лозим. Бундан ташқари қайси судга мурожаат қилиниши аниқ кўрсатилмаган. Ҳолбуки бизда СССР Олий суди, иттифоқдош ва автоном республикалар Олий судлари, область, шаҳар судлари ва халқ судлари мавжуд. Шу сабабли шу жумладан «келишган ҳолда» деган сўзлардан кейинги сўзларни «оммавий ахборот воситаси жойлашган жойдаги халқ судига шикоят қилишга ҳақли» деган сўзлар билан алмаштиришни таклиф қиламан.

С. ҲАКИМОВА,
Ўзбекистон ССР прокуратураси қонунларни мужассамлаш ва тарғиб қилиш бўлими бошлиғи, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди.

БИР ЁҚАДАН БОШ ЧИҚАРИБ

Тошкентда миллатлараро муносабатлар республика марказ-ни тузилди. Марказ ҳукумат қарорига мувофиқ Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги ҳузурида ташкил этилди ва у миллий маданият марказларн фаолиятини мувофиқлаштириб туриши керак.

— Ҳар бир халқ ўз маданияти ва тилини сақлаб қолиш ҳамда ривожлантириш имкониятига эга бўлиши лозим, — дейди миллатлараро муносабатлар марказининг директори Ш. Н. Шарипов. — Ўз она тилида алоқа қилинаётганида юзага келадиган ҳамжиҳатлик алоҳида аҳамиятга эга эканлиги сир эмас.

— Ўзингиз яқинда бош бўлган ташкилотнинг вазифалари тўғрисида, тузилган миллий-маданий марказларнинг ўзаро ҳамжиҳатлигида унинг аҳамияти қандайлиги тўғрисида гапириб берсангиз.

—Мақсадимиз кам сонли халқлар вакиллари маданиятини ривожлантиришга кўмаклашишдир. Ҳозир Тошкентда саккизта маданият маркази ишлаб турибди. Тошкент областида ва республикамизнинг бошқа областларида бундай марказлар анчагина. Миллатлараро муносабатларнинг бошқа шакли — байналмилал марказлар ҳам кенг оммалашмоқда. Маданий марказларнинг пайдо бўлиши — ленинча миллий сиёсатнинг амалда бажарилиши бўлиб, бу XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида режалаштирилган, КПССнинг миллий масалалар ҳаракат дастурида белгилаб берилган. Айтмоқчи, Ўзбекистон Компартиясининг сайловолди ҳаракат дастурида ҳам мазкур муаммога эътибор берилган.

— Марказларнинг тузилиши — ҳали барча масалаларнинг ҳал этилиши деган гап эмас, бундай марказларни рўйхатдан ўтказиш чўзиб юборилаётганлиги, кўп илтимосларни, жумладан у ёки бу тилни болалар боғчаларида ўргатиш группаларини, синфларни очиш, радиоэшиттиришлар ва телекўрсатувлар тайёрлаш ҳақидаги илтимосларни кўриб чиқишга тўғаларча ёндашилаётганлигига кўп мисоллар келтириш мумкин.

—Афсуски, сансалорлик одамларда ишончсизлик уйготади. Улар ниҳожи борича тезроқ натижага эришишни хоҳлайдилар, лекин кўпинча «сабр қилинг, кўриб чиқамиз», деб жавоб беришади. Республика маркази кўп масалалар тезроқ ҳал этилишига ёрдам бериш ниятидадир. Бизда 10 киши ишлайди. Ташкилий-методик, миллий тиллар, миллий маданиятлар, урф-одатлар ва маросимлар бўлимлари тузилмоқда.

«Республика маркази қаерда жойлашган?» деган саволимизга Шавкат Назирович мавҳумроқ жавоб берди: Ҳозирча СССР Халқлари дўстлиги музейи биносида жойлашсак керак.

Афтидан, унинг бир қаноти бизга бериладиганга ўхшайди. Агар кўп марказлар миллий байрамлар, концертлар, миллий таом кунларини ўтказишни режалаштириб қўйганликларини ҳисобга оладиган бўлсак, бу ернинг торлик қилиб қолиши турган гап. Музейнинг чоғроқ биносида ҳаммани ҳам жойлаштириб бўлармикин? Зотан, матбуотда қурилиши тўхтатиб қўйилган «Осиё» ресторани биносини миллий-маданий марказларга бериш тўғрисидаги масала неча бор кўтарилган эди. Яна бир масала кўндаланг бўлмоқда. Марказ Маданият министрлиги ҳузурида тузилган. Лекин ушбу министрлик марказ режалаштираётган барча ҳайрли ишларни рўёбга чиқаришга қурби етармикан? Чунки министрликнинг моддий базаси унча бой эмаслиги маълум-ку.

Э. ТУХВАТУЛЛИНА,
ЎзТАГ мухбири.

Дунё овози

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

ГФР АҲОЛИСИ НОРОЗИ

БОНН. ГФРда яшовчи исталган кишидан бошқа мамлакатлардан келаётган кўчманчилар оқими давом этаётганлигига қандай қарайсиз, деб сўрасангиз, уч кишининг икки нафари бундан унча қувонмаётганини айтади. Кейинги вақтда «Бундесбюргерлар» орасида ГДР ва Шарқий Европадаги бошқа мамлакатлардан Федератив Республикага одамлар тобора кўп келаётганлиги муносабати билан асабийлашиш кучаймоқда, деб ёзади Ғарбий Германия матбуоти. «Шпигель» ҳафтаномаси келтирган статистика маълумотлари Германия Федератив Республикасининг аҳолиси кўчманчилар оқими кўпаяётганлигидан норози бўлаётганлигини яққол кўрсатади.

(ТАСС).

БОШҚАРМАНИНГ ШУБҲАСИ

НЬЮ-ЙОРК. Америка солиқ бошқармаси АҚШдаги хорижий фирмалар молиявий фаолиятини текширишга киришди. «Нью-Йорк таймс» газетасининг хабар қилишича, солиқ инспекторлари хорижий корпорациялар филиалларидан Қўшма Штатларда солиқ тўлашдан бош тортиш мақсадида турли йўллар билан молиявий қаллоблик қилишда шубҳаланмоқдалар.

Кейинги ўн йилда Америка Қўшма Штатларида хорижий мулк ҳажми уч баравар ортиб 1,8 триллион долларга етди. Қўшма Штатларда 36 мингдан кўпроқ хорижий компания ва уларнинг филиаллари ишлаб турибди. Уларнинг ялпи даромади кейинги ўн йилда жами 2 баравардан кўпроқ ортди.

(ТАСС).

ҚУЛАЙ ТИББИЙ АСБОБ

ЧССР. Ҳозирги мураккаб экологик шароитда юрак-қон-томир касалликлари жиддий ҳасталиклардан бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам ана шу касалликка чалинган кишиларга аниқ диагноз қўйиш, касалликнинг пайдо бўлишини тўла ва пухта аниқлаш уни даволашда катта роль ўйнайди. Бу борада Брно шаҳридаги юрак-қон-томир касаллиги хирургия маркази мутахассислари томонидан ишлаб чиқарилган янги эхокардиограф асбоби қўл келмоқда.

Суратда: доктор Мария Дшемерова янги асбоб ёрдамида чақалоқни текшириб кўрмоқда.

ЧТК — ТАСС сурати.

• Бободеҳқон нима дейди?

ПОЛИЗЧИГА ҲАМ ШАРОИТ КЕРАК

Ўзбекистон Компартияси ҳаракат дастурида шундай жумлалар бор: **«Пахта яккаҳокимлигини тугатиш республикада мева-сабзавот комплексини жадал ривожлантириш учун шароит яратади. Маҳсулот етиштиришни кўпайтириб, сабзавот, полиз экинлари маҳсулотларига эҳтиёжларни 1990 йилда, мева ва узумга бўлган эҳтиёжларни беш йил мобайнида тўла қондириш кўзда тутилмоқда. Мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш базаси икки баравар кенгайтирилади, натижада маҳсулотлар анча кам нобуд бўлади».** Рост, бу сўзларни ўқиб, ўзимга-ўзим: «Қанийди, шундай бўлса!» дедим. Бу—бизнинг орзумиз-ку, ахир.

Полизчилик билан шуғулланаётганимга ҳам 20 йил бўлди. Тўғри, олдин полизчилик ўз оқимига ташлаб қўйилган эди. Унга ҳеч ким эътибор бермасди. Бизга ернинг ҳам энг кам унумли жойлари ажратиларди. Сув пахтадан ортсагина, қовун-тарвузни суғорардик. Энди талаб бошқача. Совхоз раҳбарлари илгари пахтадан юқори ҳосил олиб келинаётган серҳосил майдондан 2 гектарини бизга ижарага беришди. Бизга дейишимга сабаб, хотиним, болаларим билан бир звеномиз.

Кўплар, «Ерни ижарага олдимми, демак, у — менки!» деб ўйлайди. Ўйлаганику яхши. Унинг ерга меҳри ошади, у ўзини ернинг хўжайини деб билади. Аммо шуни унутмаслик керакки, унга ер кўпроқ маҳсулот етиштириб, давлатга сотиш учун берилган. Ёз ойларида бозор ораласангиз, тоғ-тоғ уюлган қовун-тарвузларга кўзингиз тушади. Сотувчидан: «Бу маҳсулотлар қаерда етиштирилган?» деб сўраб боқинг. У, ҳеч иккиланмай, «Ижара ерида-да!» деб жавоб беради. Йўқ, мен ижарачи маҳсулотини бозорда сотмасин, демоқчи эмасман. Сотсин. Бироқ, олдин хўжалик билан тузган шартнома мажбуриятини бажарсин-да. Афсуски, шундай бўлмаётир. Ижарачи маҳсулотни палакдан танлаб узиб, бозорга чиқаряпти. Қолганини давлатга топшираётир. Давлатга топширилган маҳсулот қаерга боради? Шаҳар ва районлар маркази аҳолисига! Маҳсулотнинг сабзавот дўконларидан кам харид қилинаётгани, қиммат бўлса ҳам одамлар бозорни афзал кўраётганликлари сабаби ана шунда. Ижарани жорий қилишдан мақсад бу эмас эди-ку?

Звеномиз ўтган йили шартнома бўйича 42 тонна полиз маҳсулотлари сотди. Ўртача ойлик маошимиз 210 сўмдан ошди. Полизчи маҳсулотни қанча эрта етиштирса, даромади ҳам шунча кўпаяди. Биз ўтган йили 15 июнда пайкалдан қовун уздик. Бу пайтда бозорда муштдай қовунни 15—20 сўмга ҳам харид қилиб бўлмасди. Лекин орадан бир ой ўтар-ўтмас, қовуннинг килоси 40-50 тийинга тушиб қолди. **Демак, биз полиз маҳсулотларини «бозори чаққон» маҳалда чиқариш йўлларини қидиришимиз керак. Бунинг учун нима қилиш лозим?**

Сурхон воҳасида уруғ йилнинг 360 кунида ҳам унаверади. Бироқ полиз экинлари ҳар вақт ҳам экилавермайди. Унинг учун, агар шароит бўлса, энг қулай муддат — март ойи. Мартда ташланган уруғ июнда маҳсулот беради. Бунинг учун пленка керак. Пленка бўлса, сув бўлса — масала ҳал. Аммо худди шу, февраль-март ойларида пленка анқонинг уруғи бўлиб қолади. Уни бизга анча кеч етказиб берадилар. Ҳозир халқни озиқ-овқат, сабзавот-полиз маҳсулотлари билан тўла таъминлаш кун тартибида турган экан, нега бизга пленкани ўз вақтида ва етарли миқдорда етказиб бериш ҳақида бош қотирмайдилар?

Иккинчи муаммо — бу, сув масаласи. Сув бўлса, биз йил-ўн икки ой сабзавот дўконларини маҳсулот билан таъминлашимиз мумкин. Февраль ойида қовун-тарвуз етказиб бериш имконияти йўқ, дейлик. Аммо сабзи, турп, карам, лавлаги, ҳар хил ошқўқлар етказиб берса бўлади-ку? Шароитимиз йўқ, деб ҳатто шу ишни ҳам қилмаймиз. **Рост, тажриба ва хоҳиш бор-у, аммо, яна қайтариб айтаман, шароит йўқ.** Бизни сув билан таъминлайдиган Шеробод катта каналининг таги сентябрь ойидаёқ кўриниб қолади. Шундан сўнг март ойига қадар экин-тикин нари турсин, ўзимизга ҳам ичадиган сув тополмай қоламиз. Эрта баҳорда эса чигит экиладиган майдонлар бир сидра суғорилиши керак. Оқибатда сабзавоткор-у полизчига апрель ойининг ўрталарида сув навбати келади. Ана шунда ҳамма бирданига ерга уруғ ташлашга киришади. Бир пайтда экилган экин бир пайтда пишиб етилади. Шунинг учун ҳам июль—август ойларида қовун-тарвуз, помидор, узум ва бошқа ноз-неъматларга бозорда ҳам, қабул омборларида ҳам жой тегмай қолади.

Ўтган йили районда юзлаб тонна қовун-тарвуз, помидор нобуд бўлди. Ҳатто харидор ҳам чиқмай қолди. Россия ва Сибир вилоятлари, шаҳарлари мутасаддиларига ҳам мурожаат қилдилар. Улар бошқа вилоятлар билан шартнома тузишган экан. Ўнлаб трактор араваларига юкланган маҳсулот қуёшнинг 40-50 даража иссиғида темир йўл станцияларида ҳафталаб қолиб кетди. Кейин қабул қилувчилар уларни сифати бузилган, деб қайтардилар. Ириган, чириган маҳсулотни ҳатто мол ҳам емади.

Қанийди, махсус жойимиз бўлса, ортиқча маҳсулотни қишгача сақлаб, аҳоли дастурхонига тақдим қилсак. Йўқ-да. Бундай жой ҳали хатто вилоятда қурилган эмас. Бизнинг чўл районларда эса маҳсулотни мўътадил сақлайдиган омборлар бу яқин йилларда қурилмаса керак. Ана шундай гаплар. Бир томондан, маҳсулотни кўпайтирайлик, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабларини тезроқ ва кўпроқ қондирайлик, деймиз. Иккинчи томондан, пешона тери эвазига етиштирилган маҳсулотни ўзимиз, ўз қўлимиз билан нобуд қилаётирмиз. Назаримда, энди бунга йўл қўйиб бўлмайди. Биз меҳнатимизга ачинмайдиган бўлайлик. Шундагина аҳоли нафақат ёз ойларида, балки қирчиллама қишда ҳам ҳеч кимни оғринтирмайдиган баҳода маҳсулот харид қилиши мумкин.

Ш. ДУРСОАТОВ,
Ленин йўли районидаги Будённий номли совхознинг оилавий звено бошлиғи.





ДЕҲҚОН ҚАНОТИ

Наврўз арафасида ўзбек деҳқони экиш мавсумига тайёргарликни қизитиб юборди. Далалар шўрдан тозаланмоқда. Маҳаллий ўғит чиқарилмоқда. Айниқса деҳқон қаноти ҳисобланган техника воситаларини кўкламга шайлаш ишлари қизғин. Зеро, қулай фурсатлардан фойдаланиб, экиш техникасини ремонтдан чиқариб қўйган хўжаликлар экиш бошланганда шошиб қолмайдилар.

Буни яхши билган Қўрғонтепа районидаги Куйбишев номли колхоз механизаторлари мана шу муҳим ишни тезкорлик билан якунладилар. 36 та ҳайдов, 18 та чопиқ тракторлари, 15 та сеялка ва бешта «ОВХ» аппаратлари созлаб қўйилди. Бунда устахона бошлиғи, тажрибали инженер Усмонжон Қурбонов ажойиб ташкилотчилик кўрсатди.

Суратда: старт чизиғига келтириб қўйилган техника воситалари.

В. МОЛГАЧЕВ суратн.

УСТИ ЁПИҚ ДАЛАДА

Самарқанд областининг «Боғизоғон» совхози сабзавоткорлари ва боғбонлари бу йилги мавсумга пухта ҳозирлик кўришмоқда. Лекин хўжалик миришкорлари қиш фаслида ҳам эл дастурхонига турли-туман сифатли маҳсулотлар етказиб бермоқдалар. Айни кунларда 3 гектарли иссиқхонада етиштирилган лимонлар пешма-пеш узилиб, давлатга сотилмоқда. Ҳозиргача пландаги 100 тонна ўрнига 140 тонна лимон шаҳарликларга тортиқ қилинди. 3 гектар майдонда етиштирилган помидор ҳам ғарқ пишди.

Коллектив 130 тонна помидор, 140 тонна бодринг тайёрлаш учун астойдил ҳаракат қилмоқда. Бу борада Нормурод Худойназаров бошлиқ лимончилик бригадаси аъзолари кўпчиликка намуна бўлишмоқда. Коллектив бир гектар лимонзорнинг ҳар квадрат метридан пландаги 2 килограмм ўрнига 3 килограмм-у 700 граммдан ҳосил олишга эришди.

Суратда: илғор лимончи Нормурод Худойназаров.

Ғ. АЛИЕВ суратн.

МИШ-МИШЛАРГА ҚАРШИ ОШКОРА МУЛОҚОТ

Қорақалпоғистон партия, совет, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг раҳбарлари зангори экран орқали автоном республика аҳолиси билан бевосита суҳбатлашдилар. Барча хоҳлаган кишилар қатнашиши мумкин бўлган студия «Давра суҳбати» Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Жамоат тартибига ва гражданларнинг хавфсизлигига қарши қаратилган ҳаракатлар учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги Фармони қоидаларини тушунтиришга бағишланганди.

Телетомошабинлар ифвогарлик мақсадида тарқатилаётган миш-мишлар тўғрисида аҳолидан тушаётган саволларга батафсил жавоб олдилар. Бундай миш-мишлар эса ҳозир кўп тарқатилмоқда. Уларнинг баъзиларигина мисолга келтирамиз. Нукусда Кавказортидан келган қочоқларга биринчи навбатда уй-жой берилиши, Семипалатинск ҳарбий полигонини Усть-Юрт текислигига кўчириш, Қорақалпоғистоннинг баъзи районлари ва унинг пойтахтида гўёки тайёрланаётган экстремистик ҳаракатлар тўғрисидаги миш-мишларни олайлик. «Давра суҳбати» қатнашчилари эшиттиришни бошқараётган кишининг саволларига жавоб бериб, буларнинг ҳаммаси бирор асосга эга бўлмаган уйдирма эканлигини далиллар асосида исботладилар, автоном республика турмушининг барча соҳаларида ишлар қандай бораётганлигни хусусидаги аниқ маълумотларни келтирдилар.

Фармоннинг эълон қилиниши маҳаллий маъмурлар учун кутилмаган воқеа бўлмади. Унга тайёргарлик кўриш давридаёқ эҳтимол тутилган қонунбузарлик ҳолларининг олдини олиш юзасидан тадбирлар туркуми ишлаб чиқилганди. Ички ишлар органлари ўт очувчи қуроллар қандай сақланаётганини текширувдан ўтказдилар. Милиция истиқомат жойларида кетма-кет учрашувлар уюштирди. Халқ депутатлигига номзодлар ҳам миш-мишларга қарши курашга фаол қўшилдилар.

В. ТРОИЦКИЙ,
ЎзТАГ мухбири.
Қорақалпоғистон АССР.

ҚОНУН ВА АҚЛ-ИДРОК УСТУН БЎЛСИН

Ҳалол меҳнат қилувчиларнинг ҳамиша вақти кам, бу азалий ҳақиқат, қуруқ гапларга уларнинг тоқати йўқ, ифвогарликдан иборат миш-мишларни тарқатишга эса вақтлари йўқ. Қани энди ҳамма фойдали, бунёдкорлик иши билан банд бўлса. Ана ушанда кўпгина қийинчиликлардан қутулган, янги-янги муаммолар тахланиб қолмаган бўларди.

Менимча, бирдан-бир йўл — интизомни, масъулиятни мустаҳкамлашдир. Ўзбекистон Олий Совети Президиумининг «Жамоат тартибига ва гражданларнинг хавфсизлигига қарши қаратилган ҳаракатлар учун жавобгарликни ошириш тўғрисида»ги Фармони ҳам худди шу мақсадни кўзлаб чиқарилган. Унинг амалда қўлланилиши жанжал чиқариш тарафдорларининг, турли тусдаги ғаламисларнинг попугини пасайтириб қўйган бўларди. Ҳар бир киши ўз хавфсизлиги, иши, гражданлик ҳуқуқлари пухта ҳимоя қилинишига ишончи комил бўлиши керак.

Шу билан бир вақтда фақат милицияга умид қилиш ярамайди. Баъзан, айниқса, кексаларнинг ўз вақтида танбеҳ бериши бўлмаган гапларни айтиб, даҳшат ва ваҳима солишга уринувчи масъулиятсиз сафсата сотувчиларни тўхтатиб қўйишга, уларнинг кўзини очиб қўйишга қодир.

Ўз вақтида зарба бермаслик, айниқса, ғўр йигитлар орасида ҳамма нарсани қилиш, бежазо қолиш мумкин экан, деган туйғуни келтириб чиқаради. Ишончим комил: агар ҳар биримиз миш-мишлар, турли уйдирмалар ва овозалар тарқатилишига қатъий зарба берсак, республикамизда таҳликали, кескин вазият юз бермайди, одамлар орасида пайдо бўлган гумонсираш, турли хавотирлик барҳам топади.

К. ЗИЕЕВ,
пенсионер, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси.
(ЎзТАГ).

АЛОҚАЛАР КЕНГАЙМОҚДА

Бельгиянинг биродарлашган шаҳри — Кортрейк делегацияси Тошкентга қилган сафарини тугаллади. Делегацияга муниципалитет бош котиби Эрик Суте бошчилик қилди.

Меҳмонлар Кортрейкнинг шу йил декабрда ўтказиладиган 800 йиллиги муносабати билан бўладиган тантаналарда Тошкентнинг иштироки имкониятини ўргандилар. Делегация аъзолари шаҳарнинг саноат корхоналарини бориб кўрдилар, республиканинг ташқи савдо ташкилотлари намояндалари билан учрашдилар. Шу учрашувлар давомида икки томонлама иқтисодий алоқаларни ривожлантириш имкониятлари белгиланди.

— Биз дўстлар билан дийдор кўришиш учун Тошкентга келдик, — деди Э. Суте. — Қардошлик алоқалари иккала шаҳарнинг иқтисодий, маданий алоқаларини ривожлантириш учун кенг истиқбол очиб беради. Республика Министрлар Советидаги, Тошкент шаҳар ижроия комитетидаги учрашув ва суҳбатлар, бир қанча ташкилотларнинг вакиллари билан учрашув ва суҳбатлардан кейин ўзаро манфаатли иқтисодий битимлар тузиш эҳтимоли ҳақида бизнесменларга нималарни айтишни мўлжаллаб қўйдик. Кортрейк билан биродарлашган шаҳар — АҚШнинг жанубий Каролина штатидаги Гренвилдан келган группа ҳам Ўзбекистонда биз билан бирга бўлди. Бизнинг янги дўстларимиз ҳам уларга жуда ёқди.

Меҳмонлар Самарқанд ва Бухорога сафар қилдилар.

(ЎзТАГ).

ДАЛАЛАРДА БАҲОР НАФАСИ

● СИРДАРЁ

«Сирдарё» совхози деҳқонлари экин майдонларини мавсумга тайёрлаш ишларини қизитиб юборишган. Улар шўр ювиш, яхоб бериш ишлари борасида Сирдарё районида пешқадамлик қилишаётир. Миришкорлар ҳозиргача 1600 гектар майдоннинг шўрини ювишди. Бу ишда Б. Маликов, У. Ҳайдаров, О. Назаров каби тажрибали сувчилар ҳамкасбларига ўрнак бўлишаётир.

А. БУРЛИЕВ.

● САМАРҚАНД

Пайариқ районидаги Крупская номли колхоз устахонасида сўнгги ремонт ишлари давом этмоқда. Бу ерда 15 та чопиқ, 8 та ҳайдов трактори, 6 та мола ва бошқа техника воситалари мавсумга шайлаб қўйилди. Бу ишда Х. Кубаев, А. Тўраев, А. Жўрақулов, Ш. Назаров каби ремонтчилар бошқаларга ўрнак бўлишмоқда.

С. ХОЛИҚУЛОВ.

● АНДИЖОН

Хўжалик трактор паркига кириб борган киши старт чизиғига келтириб қўйилган техникани кўриб, қувонади. Ҳозиргача 14 та ҳайдов, 25 та чопиқ, 16 та «МТЗ—80» маркали трактор ҳамда 12 та транспорт тракторлари, 55 комплект барона, 19 та культиватор, 11 та сеялка, 45 та прицеп, 5 та комбайн ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари мавсумга тахт.

Бўз районидаги Карл Маркс номли колхоз механизаторлари шу кунларда мавсумга ҳозирлик ишларини ана шундай кўтаринки руҳда олиб боришаётир. Бу ишларда О. Мажидов, О. Собиров, Т. Тожибоев, М. Маматов сингари тажрибали слесарларнинг ҳиссаси катта.

Ҳ. РУСТАМОВ.

● ФАРҒОНА

Ўзбекистон районидаги «Ғанибод» совхозининг «Ленинград» бўлими пахтакорлари шу кунларда анча хурсанд бўлиб қолишди. Чунки, бўлим бўйича 670 гектар ер бўлиб, шундан ишчиларга 8, 12 ва 16 сотихдан ер бўлиб берилди. Бўлимга 8 та қишлоқ қарайди. 5 мингдан ортиқ аҳоли яшайди. Ҳозиргача 235 та оилага уй-жой томорқаси берилди.

Қ. САИДҚУЛОВ.

• Диёримизни биласизми?

ОЧИҚДАГИ МУЗЕЙ

ГЎЗАЛ РАҚСЛАР, куй ва қўшиқлар, олиму шоирлар, буюк саркардалар, тенгсиз меъмор-муҳандислар, ажойиб касб-ҳунар соҳибларининг ватани бўлмиш Хоразм, жумладан Хива шаҳри бугунги кунда ҳам воҳа дурдонаси деб эъзозланади. Умуман, Хоразм ўлкасининг тарихи кўп қадимийдир. Унинг дастлабки пойтахтлари Тупроқ қалъа, Ал Фир ёки Кат шаҳарлари узоқ ўтмишда асов ва ўйноқли Амударёнинг чекиниши ва хуружи туфайли Урганч шаҳрига асос солинди (қўҳна Урганч). Лекин бу шаҳар ҳам дунёга донғи кетиб, айни гуллаб, гуриллаб яшнаган паллаларда икки бор — XIII аср бошлари ва ундан кейинги XIV аср охиларида шиддатли ҳамда аёвсиз қирғинликда, беҳад-ҳисобсиз вайронагарчиликлардан ўнглана олмагач, пойтахт ниҳоят Хивага кўчирилди. Ҳозир эса Янги Урганч Хоразм марказидир. Хива шаҳри қадимдан икки қисмдан: Ичан қалъа (ички қалъа) ва Дишан қалъа (ташқи қалъа)лардан иборат бўлган. Тўрт дарвозали Ичан қалъа шаҳарнинг энг қадимги кўркам ва марказий қисми бўлиб, майдони 26 гектар, ўз вақтида ташқи душман ҳужумларидан қўриқланиш учун атрофи қалин ва баланд деворлар билан ўраб олинган. Деворларнинг айлана узунлиги тахминан икки минг икки юз метрча келади. Ичкари томондан девор бўйлаб ўқчилар йўлаги ўтган, юқорида эса, деворга одам бўйи баландлигида тўртбурчак ва уч бурчак шаклидаги кичик-кичик шиначлар қилинган.

Ичан қалъа кўчаларининг тузилиши Ўрта Осиё феодал шаҳарларига хос бўлган. Қадимий ўзбек-туркий меъморчилигининг кўпгина ёдгорликлари, саройлар, қасрлар, масжид-мадраса, мақбара ва ўша даврларда ўз ложувард гумбазлари остида жаҳоннинг тўрт тарафидан келадиган барча савдогарларнинг молларини қабул қилиб оладиган «Чорсу» деб аталган савдо тимлари шу қалъа ичига жойлашган бўлиб, булар бозорга келган халқни қишда қор-ёмғирдан, ёзда жазирама офтобдан сақлаган.

Инқилобдан кейинги ўтган қисқа даврлар ичида кўпгина қатор улкан ишлар амалга оширилган. Жумладан, қўҳна ва доимо навқирон Хиванинг қадимий маркази бўлган ана шу Ичан қалъа давлат томонидан муҳофазага олиниб, «Меъморчилик қўриқхонаси» деб эълон қилинган. Бу азим қадамжо ерларда омбор ва бошқа кўпгина хўжалик ишлари учун фойдаланиб келинган талай меъморий ёдгорликларнинг ичлари бўшатилиб, уларда таъмир ишлари ниҳоясига етказилган, айрим ёдгорликлар, масалан, Оллоқулихон мадрасаси, унинг кўриниш хонаси, Қўҳна аркнинг баъзи қисмлари — қабулхоналар ва бошқаларда ҳозирда таъмир ишлари тўхтовсиз олиб борилмоқда.

Шу кунларда қўриқхонада турли соҳаларга бўлинган ўнга яқин музейлар ишлаб турибди. Хоразмда турли йилларда чиқарилган ва зарб этилган тангалар, орденлар, медаллар, нишонлар ҳамда пуллар намойиш қилинмоқда. Экспонатлар орасида Хоразмда Халқ Шўролар жумҳуриятининг Меҳнат ордени ҳам бўлиб, В. И. Ленин биринчи номерли ана шу орден билан мукофотланган. Қўриқхона ходимлари экспонат тагига махсус лавҳа қўйганлар, лавҳада шу орденнинг яратилиш тарихи ёзиб қўйилган.

Хиванинг бунёд этилиши ва унинг номига келсак, бу борада маҳаллий халқ орасида азалдан оғиздан-оғизга ўтиб келаётган турли афсоналар ҳам мавжуд...

Хоразмда XVIII асрнинг иккинчи яримларида бошланган бинолар, мадраса, масжид ва бошқа шу каби маҳобатли қурилиш ишлари бу даврларга келиб нисбатан ривож топди, олимлар, шоирлар, санъатнинг турли соҳаларидаги ўз даврининг илғор соҳиби аҳллари ҳам ўтган асрлардагига қараганда бир мунча ортган эди. Бундай нодир қурилишлар ҳунармандлар, олимлар, ўз касби санъаткорларининг ўйлаш, фикр қилиш, ёдгорликлар қолдириш, ижодда қадимий аждодларимиз анъаналарини садоқат билан давом эттириш билан бирга, қадам-бақадам янгиликлар яратиш учун интилишга холисона равишда катта ёрдам берар эди.

Ҳозирда Ичан қалъанинг бузилган қисмлари тикланмоқда, бир вақтлар бузилиб йўқ бўлиб кетган Жарчихона ўз ўрнида тикланган. Умуман, Ичан қалъа ичида жойлашган обидаларни санайверса кўп. Шергозихон мадрасаси, зангори гумбазли Паҳлавон Маҳмуд мақбараси, шаҳарнинг қарийб 5-6 чақиримли йўлидан яққол кўриниб турадиган ҳамда 119 зина билан чиқиладиган 57 метрли сиркор кошинли Саид Ислом Хўжа минораси ва мадрасаси, Муҳаммад Амин-Иноқ мадрасаси, Матниёз Девонбеги мадрасаси, Муҳаммад Аминхон мадрасаси, 213 устунли, минг киши сиғадиган Жума масжиди, Қўҳна Арк, Шайх Қаландар мадрасаси, Карвонсарой ва хонақо, мақбаралар каби жами 54 та мустаҳкам асосли тарихий ёдгорликларни кўриш мумкин.

Дишан қалъага келсак, бу қалъанинг айлана узунлиги ўз вақтида беш ярим минг метрни ташкил этган. Бу қалъанинг ҳам талайгина қисми бузилиб кетган, қолган қисмлари давлат муҳофазасига олинган. Унда ҳам кўпгина ёдгорликлар мавжуд. Жумладан, 1912 йили Европа типида қурилган Нуруллабой комплекси савлат тўкиб турибди. Бу бино етти катта-кичик хоналардан иборат бўлиб уни рус, немис, голландлар ҳамкорликда қуришган. Худди шу бинода 1920 йил 2 февралда Хоразм халқ жумҳурияти эълон қилинган ва биринчи конституция қабул қилинган. Яна унда 1922—1923 йиллари Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ишлаган ва саҳна асарларини қўйган. Ҳовли ўртасида эса, 1925 йили ҳайкалтарош С. Д. Меркулов томонидан амалга оширилиб ўрнатилган В. И. Ленин ҳайкали қад кўтариб турибди.

ХИВАНИНГ қатор жойларида Қўша дарвоза, эски типдаги дорихона, Тоза боғ саройи, масжид, мадраса, мақбара ва бошқа обидалар узоқ кўзидаги гавҳардай шаҳар кўркига кўрк қўшмоқда. Бу шаҳардаги ёдгорликлар ўзбек халқи маданиятининг ажойиб санъат ва нафосати барқ урган намуналари бўлиб, уларнинг улуғворлиги, салобати, гоят мураккаблиги ва айни чоқда соддалиги ҳамда узоқ кечмишдаги меъмор-муҳандисликнинг чекланмас мўъжизалари, наққошлик, ўймакорлик, сиркорлик, лаввоҳлик, музаҳҳиблик (заррин ҳал берувчи), рангмоллик ва беқиёс хаттотлик санъатининг кўрки бўлишликлари билан ҳам яққол ажралиб турадилар.

Ҳозирда Ота Полвонов, Абдулла Болтаев, Сафо Боғбеков ва бошқа пиру устаталарнинг ишларини қўлларидан олиб давом эттираётган Қўзибой Сафоев, Ҳайтмат Боғбеков, Қадам Қаландаров, Одилбой Бобожонов каби кўплаб шогирдлар, Хива махсус илмий таъмирлаш ва ишлаб чиқариш устахонасининг моҳир таъмирчи бинокорлари бугунги кунларда ҳам ўз номларини пештоқларда, эшик ва нақшинкор устунларда, лаъли қандилу чинни буюмларда, китобларда ёзиб қолдирган табаррук аждодлар, отахонлар ишни оғишмай сабот билан давом эттирмоқдалар.

Хуллас, киши қалбида чексиз ғурур уйғотиб, ўчмас из қолдирувчи асрий ривоят ва нафис обидалар ўлкаси бўлмиш Хоразм тарихи зарварақларидан энг ёрқин саҳифаларни ҳам эндиликда ана шу оловқалб ижодкорлар — хоразмликлар ёзишмоқда. Хива шаҳри ва районларида қўҳна тарихий ёдгорликларига уйғун ва ҳамоҳанг Ал-Хоразмий, Беруний ва бошқа забардаст алломаларимизга, инқилоб қурашчилари, Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган азиз ватандошлар ҳамда меҳнат шон-шуҳратига бағишланган монументал ёдгорликлар ўрнатилган. Бу ўлкага Иттифоқимизнинг турли ерлари, хорижий мамлакатлардан ташриф буюрувчиларнинг сони ҳам йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Ўтган йилнинг 2 август куни қадимий Хива узра карнай садолари янгради. Тантанали байрамда мамлакатимизнинг барча бурчакларидан келган қизил галстукли 600 дан ортиқ байналмилал — дўстлик клубларининг ёш аъзолари қатнашди. Фестиваль қатнашчилари уюштирган «Бирдамлик» ярмаркасига каттаю-кичиклар ташриф буюрди. Улар болалар тайёрлаган турли хил буюмларни харид қилишди. Мазкур «Бирдамлик» ярмаркасидан тушган маблағ фестиваль қатнашчиларининг истакларига кўра Оролни қутқариш фондига ўтказилди.

— Кўп йиллардан бери Хива шаҳрини томоша қилишни орзу қилардим. Фестиваль сабабли орзуйим рўёбга чиқди. Фестивалда бошланган дўстлик албатта давом этади, — дейди Нукус шаҳридаги Индира Ганди номидаги байналмилал-дўстлик клуби аъзоси Расул Избосганов.

Маълумки, 35 миллат вакиллари истиқомат қилаётган айнан Хивада биринчи марта беш кун давом этган Бутуниттифоқ дўстлик фестивалининг ўтказилиши ҳам шубҳасиз, бу шаҳар тарихи саҳнасига олтин ҳарфлар билан ёзиб қўйилди. Бундай фестиваллар бундан кейин ҳам изчил давом эттирилади.

Ҳ. ЗАЙНИДДИНОВ.

ЯШИЛЛИККА БУРКАНСИН ОЛАМ

ШАХСИЙ НАМУНА

● Мени кўпдан бери бир нарса ўйлантириб келади. Ҳар йили минглаб кўчатлар ўтказилади-ю, биз барибир мева-чевани етарлича истеъмол қилолмаймиз. Бунга сабаб нима?

Назаримда, энг аввало, кўчат экиш ойликларининг номигагина, ҳафсаласизлик билан уюштирилишида. Қолаверса, бу тадбир ўтгач, ҳеч нарса бўлмагандек, ҳаммаси тезда унутиб юборилишида. Биз бундай сохта уриниш ва хатти-ҳаракатлар жабрини кўп тортдик. Энди бундай сохтакорликка йўл қўйиб бўлмайди.

Лекин, бу хусусда маҳаллий партия ва совет ташкилотларининг ҳозирги шашти бошқача. Шу муносабат билан истардимки, раҳбарларнинг шахсан ўзлари ўн тўпдан мевали дарахт кўчати экишса ва уларнинг қаровини ҳам ўз зиммаларига олишса. Халқ уларни қўллаши табиий. Ана ўшанда нари борса беш-олти йилда биз яшаб турган замин яшилликка айланади, дўкон ва бозорларимиз арзон ва сифатли мева-чевага бойийди.

Менимча, бу кўп меҳнат ва чиқим талаб қилмайдиган, қолаверса келажаги хайрли ишдир.

К. ҲАСАНОВ,
Андижон область, Ленинск шаҳри.

КЎЧАТ ЭКИЛМОҚДА

● Ўзбекистон районидаги Ғ. Ғулом номли колхознинг дашт ерларида кўчат экишга киришилди. Айни пайтда тут, ўрик ва шафтоли кўчатлари экилмоқда. Колхоз аҳли ҳозиргача 1,5 гектар майдонга тут кўчати, 3 гектар эрга мевали дарахт ниҳоллари ўтказдилар.

Шунингдек, хўжаликнинг бошқа участкаларида ҳам мевали ва манзарали дарахт ниҳоллари ўтказиш давом этмоқда.

Р. ҲАМИДОВ,
Фарғона области.

БОҒЛАРИДАЙ БАҲОРИЙ УМР

Зокиржон ота Санақулов билан баҳор фасли арафасида учрашганимиз учунми, суҳбатимиз ҳам Наврўз айёми кунларига етганлигимизга шукроналик, бир-биримизга омонлик, яхшилик тилашдан бошланди...

ОДАТДА БАҲОР онларида кишилар руҳиятида толиқиш кайфияти сезилиб, қариялардан «илик узилди» деган иборалар бот-бот эшитилиб тургувчи эди. Зокиржон отанинг нуроний чеҳрасига ўтиришган ўрик гулларидай ним табассуми, аллақандай кўтаринки кайфияти суҳбатимизга жозиба, тиниқлик, баҳор шабадаларини олиб киргандек бўлди. Ана шунда саксон ёшли суҳбатдошимнинг Наврўзи оламни нақадар интиқлик билан кутгани-ю бу айём остонасида бахтиёр ва бардам турганини ҳис этгандай бўламан. Очиғи киндиги онаер билан туташ қишлоқ одами борки, навбаҳорни шундайин орзиқиб кутган...

Эҳтимол, отахоннинг кўнглидан ҳозир бу айём кунлари, эшигини биринчи бўлиб очиб кириб келадиган тўрт қизи, уч ўғли, йигирма уч невара-ю, тўққиз эвараси ўтаётгандир. Эҳтимол, байрам дастурхонидан биринчи бўлиб тотинадиган жонажон қўни-қўшнилари, ҳамқишлоқлари, дўст-биродарларини эслаётгандир. Балки қир-адирларга таралган карнай-сурнай наволари, дорбозларнинг ўйинлари, масхарабозларнинг чиқиши-ю, полвонлар кураши, кўпкари чопиш, пойгалар дукур-дукури қалбига баҳор тўлқинини олиб кираётгандир. Сумалак пишаётган дошқозонлар атрофида уймалашаётган хотин-халажнинг сумалак ковлагич қаҳгирлар оҳангига ҳамоҳанг куй-қўшиқлари Наврўзи оламдан яхшилик, мўл-кўлчилик, фаровонлик кутган авлод-аждодларини эсига солаётгандир...

Кўкламнинг бу кўркамликлари қаршисида ахир, нега юрак ҳаприқмасин?! Ёшу қари руҳига бирдек таъсир кучини кўрсатаётган Наврўзи олам қудратига таъзим!

Отахоннинг баҳор айёмидан оладиган завқ-шавқини ўлчайдиган мезонни шу билан чекласак, Наврўзни жуда тор тушунган бўлардик.

Навбаҳор йилларга татигулик меҳнат, меҳнат ва яна меҳнат кўламини режалаб оладиган масъулиятли лаҳза, қайси ерда қандай экин экиш, қандай боғ яратиш, сувни қандай тақсимлаш ва яна қанчадан-қанча баҳор онлари ташвишини режага соладиган даври...

Зокиржон отанинг ҳеч эсидан чиқмайди. Пахтакор районидаги «Пахтакор» совхози қир-адирларини боғроғларга айлантираман деб, бел боғлаб юрган навқирон йиллари. Ўшанда ҳам Наврўзи олам эди. Янги экилган ниҳоллардан бирини суғуриб олган болакайни кўрди-ю, кетидан қува-қува изма-из уйигача борганди. Совхоз директорини кўрган боланинг ота-онаси ўзларини йўқотиб қўйишди.

— Битта ниҳол ўрнига ўнта экиб, ўнталовини ҳам ўғлингиз билан биргаликда кўкартирасиз, бошқа гап йўқ, — деганди ўшанда у қатъий.

Гапи гаплигича қолмади. Ижросини текширди. Ўшандан буён ҳар гал шу ҳовли олдидан ўтганда мевазорларни кўриб ўша воқеа эсига тушади.

Бу кун фақат ўша бола ва ўша оила учун эмас, колхоздаги барча болалар ва барча ота-оналар учун сабоқ бўлганди. Хўжаликда чақалоқ дунёга келиши билан ерга ниҳол қадаш удум олганди.

Зокир ота Санақулов совхозда директор бўлиб ишлаган ўн тўрт йил мобайнида бундай халқ анъаналаридан қанчаси тикланиб, қанчаси ҳаёт юзини кўрди. Қанчаси қанот ёзиб, район, ундан область, республика миқёсига ёйилди.

Наврўз ҳақида қанча гап-сўзлар бўлмади. Қанча баланд чиқиб, қанча паст тушилмади. Лекин у бу айёмга ҳеч қачон хиёнат қилмаган. Отахоннинг табиатнинг бу инъоми ҳақида ўз фалсафаси ва ўз хулосаси бор:

— Наврўз айёмининг тарбиявий аҳамияти жуда катта, — дейди Зокиржон ота. — Бу кун одамлар бир-бирларини муборакбод этадилар. Ёшлар ота-оналарини, қарияларни, беморларни йўқлайдилар. Бир-бири билан араслашиб қолган қўни-қўшнилар ярашадилар.

Наврўз ўйлари

Одамлар бир-бирларига яхшилик қилишга, ширинсуханлик билан муомала қилишга ошиқадилар. Кўрянсизки, Наврўзнинг маънавий жиҳатлари жуда чуқур илдиз отган. Ёшлар ўзбеклар қадим замонлардан буён Наврўз кунини Янги йилнинг бошланиши деб қувонч билан қарши олиб келганликларини, у фақат ўйин-кулги байрами эмас, меҳнат йилининг бошланиши эканини, баҳорги кечакундуз тенглиги 21-мартга тўғри келишини ҳам билиб оладилар.

Зокиржон ота Санақулов таржимаи ҳоли билан танишар эканман, унинг ёшликнавқирон йиллари Сирдарё воҳасининг партия, совет идораларида раҳбарлик лавозимларида ўтганининг гувоҳи бўламан. Самарали меҳнатлари учун у партия ва ҳукуматимизнинг орден ва медаллари билан тақдирланган. Зокиржон ота бу йиллардаги сермазмун ҳаёти билан ўзида қанчалик ички қониқиш ҳис этмасин, «Пахтакор» совхозидаги 14 йиллик фаолиятига, ўзлигини танитган йиллар сифатида қарайди. Дастлаб 50 гектарда боғ яратиб, ҳар бир туп ниҳолни санаб боғбонга топширгани ҳамон эсида. Ниҳоллар ўзини тутиб олгунча мевалар оралиғига шафтоли кўчати экиб, таъми оғизда қоладиган «Пахтакор шафтолиси» довруғини таратгани ҳам кечагидек кўзи ўнгида. Аслида бир туп ниҳолни саҳро шароитида кўкартириб, ҳосилга киритиш осон иш эмасди. У эса минглаб ниҳол ундирган экан, минглаб мевали дарахтларнинг Зокиржон ота билан туташган минг-минглаб илдизи, дарди ва қувончи бор. Отахон гектар-гектар боғ яратиб, боғлари билан тиллашиб, диллашиб кам бўлмади. Ўзига яна бир янгиликни кашф этди. Дарахт ўстирган одам қўл қовуштириб ўтиролмайдиган бўлиб қолар экан. Одамлар бунга юз такаллуф этмасинлар, ёши буни қанчалик тақозо этмасин, юрак тушмагур кўнмагандан кейин бир пул экан. Саксон ёшимда Сирдарё область Уруш ва меҳнат ветеранлари уюшмасининг раиси сифатида ёшлардек ғайрат кўрсатиб, елиб-югуриб юраман, деб ўзи ҳам ўйлабмиди?! Ҳаёт, соғлом турмуш тарзи уни шундай қилиб камолга етказди, тарбиялади. Шу вазифага лозим кўрди. Бундоқ ўйлаб қараса, уюшма ишларининг маълум бир йўналиши боғ-роғлар яратишга қаратилган. Қаратилганда ҳам жуда катта масъулият ва шижоат билан қаратилган. Негаки, буни ҳаётимиздаги иқтисодий танглик, ҳар бир совет фуқаросининг ижтимоий бурчи тақозо этмоқда. Ахир мева-чеванинг макони бўлган Ўзбекистон бозорларида ёнғоқ, бодом, майиз, туршак, нашвати, олма каби мева-чеваларнинг нархлари осмондалигидан бугун ҳеч ким кўз юмаётгани йўқ. Булар нималарнинг оқибати эканини ҳам ҳамма яхши билади. Пахта майдонларининг қисқартирилиши, томорқа хўжаликларининг кенгайтирилиши боғ-роғларимизни кўпайтиришга кенг йўл очишни бошлаган экан, бунга тезроқ киришиш керак. Туршак, ёнғоқ, майиз каби мева-чевалар дастурхонимизда мўл-кўл бўлган даврларнинг гувоҳи бўлган Зокир оталар авлоди бунга жон қуйдирмасалар ким бунга қайишади, ахир!

Сирдарё области колхоз ва совхозларида бунёд этилаётган биронта боғ йўқки, унда Зокиржон отага ўхшаган меҳнат ва уруш ветеранлари қатнашмаган бўлсин. Жиззах районидаги Навоий номли совхозда 20 гектар, Зомин районидаги «Янги ҳаёт» совхозида 200 гектар, Боёвут районидаги «Коммунизм» совхозида 52 гектар, Бахмал районидаги Бахмал ўрмон хўжалигида 45 гектар ерда ёнғоқзор, олмазор, бодомзор, олчазор, ўрикзор, узумзорлар ветеранлар кучи билан барпо этилаётир. Ветеранлардан И. Абдусаматов, Ҳ. Латипов, Х. Эрназаровларнинг бу борадаги бош-қошлиги, хайрли ишлари ҳақида отахон тўлқинланиб гапириб бердилар. Ахир, нега тўлқинланмасин. У ва у сингари қариялар бошлаган хайрли ишлар қўлма-қўл бўлиб кетди. Боғбонликни давом эттирувчи бутун бир авлод етилмоқда.

Наврўзи айём ана шу давомийликнинг намойиши эмасми?! Зокиржон ота сингари қариялларнинг бу улуғ айём кунлардаги тилаги битта: она ер сийнасида бир қарич ҳам ер бўш қолмасин. Ундан дур ундирган дармонда, фурсатни бой берган эса армонда...

Она заминда дур ундирган Зокиржон оталарнинг боғларидай баҳорий умр ҳаммага ҳам насиб этсин.

Дилбар МАҲМУДОВА.

● Табиат ва инсон

ТЕПКИНИ БОСМАЙ ТУР, ОВЧИЖОН!

◆ Табиатга етказилган зарар қанча! Уни инма билан ўлчаш мумкин! Муаллиф мақола мазмунидан келиб чиқадиган ушбу саволларга жавоб топиш учун Сизни бир зум шошилмасликка, аввал виждон амрига қулоқ тутиб, теварак-атрофга жиддий назар ташлашга, она-табиатда нималар юз бераётганини кузатиб, сўнгра хулоса чиқаришингизга даъват этади.

СИРДАРЕ ва Амударё бўйлари азалдан ёввойи ҳайвон, турли қушлар, кемирувчи ҳамда майда ҳашоротларнинг яшаши ва урчиши учун бошпана бўлиб келган. Бу ерлардан Узоқ Шимол ҳамда тундрага учиб ўтувчи оққуш, ғоз, турна, йиртқич қушлар кўклам ва кузда дарёларимизнинг хавфсиз, серқамиш, сув ўтларига сероб ҳавза ва қўлларига озиқланиш, дам олиш учун қўниб ўтадилар. Кўп ҳолларда жанубга учаётган қушлар бу ерларда қишлаб ҳам қолади. Қадимдан дарё бўйлари овгоҳ ҳисобланса-да, қушларнинг ин қуриб бола очадиган, балиқлар урчиб кўпаядиган даврда ов қилиш қатъий таъқиқланган.

Кейинги пайтларда дарё бўйларидаги тўқайзорларнинг бузиб ташланаётгани, ўрмонлар қирқилаётгани, дарё суви таркибининг бузилгани, Орол сатҳининг кескин пасайиши, оқибатда сув шўрланаётганлиги ҳамда тартибсиз ов қилишлар туфайли бу ерларга қушларнинг учиб келиши жуда ҳам камайиб кетди. Бугунги ҳисоб-китобларга қараганда, республикамизда ҳамма турларини қўшиб ҳисоблаганда ўрдак 367 минг 388, тулки 4320, қўён 16 минг 715 тани ташкил этар экан.

Ҳозир қаерга назар ташламанг ўша ерда инсон ва табиат тўқнашувидан кейинги оғир фожиани кўрасиз. Тупроқнинг заҳарланган, сув ва ҳаво бузилгани ҳақида гапирмасак ҳам бўлади. Аммо у ёки бу тур ҳайвон, парранда ҳамда ўсимлик ёки гиёҳнинг «Қизил китоб»ига тобора кўпроқ кириб қолаётганлиги кишида безовталик уйғотади. Оддий бир мисол: яполоққушлар туркумига кирувчи укки, ботқоқ яполоқ-қуши, бойўғли ва соғларни кемирувчиларга қирон келтирадиган фойдали қуш деб ҳисоблаймиз. Бу қушлар ҳозирча «Қизил китоб»га кирмаган. Бироқ, уларнинг сони кейинги пайтларда кескин камайиб кетди. Бунга қишлоқ хўжалигини кимёлаштириш ҳам ўз таъсирини ўтказди. Закавказьеда бойўғли, укки ҳозир ҳам кўп. Улар ўрмон, дала, боғ, ҳатто кишиларга яқин ерларга ин қуриб, бемалол яшайверишади.

Инқилобгача ва ундан кейинги йилларда Сирдарё ҳамда Амударё тўқайларида Турон йўлбарслари яшаган. Ҳозир бу йўлбарсларнинг оз қисми Афғонистон Республикасида сақланиб қолган. Англияда XVIII асрда бўрилар батамом қириб ташланганидек, ҳозир Турон йўлбарсларининг номи «Ўзбекистон ССР Қизил китоби»да ҳам топилмайди.

Табиатга етказилган зарар, аввало, инсон саломатлиги ва турмушига кулфат келтирса, қолаверса ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсининг инқирозига сабаб бўлади. Афсуски, «Қизил китоб»га ўсимлик ёки қуш номини ёзиб қўйиш билан бу инқирознинг олдини олиб бўлмайди.

Ҳозир республикамизда кузги-қишки ов мавсуми якунланди. Тулки, қорсоқ, бўрсиқ ҳамда тўқай ёввойи мушукларини ов қилиш 15 февралда тугади. Шаҳар ва районлардаги ов спорти хўжаликлари жамиятлари мавсум тугаганлиги туфайли қурол-яроғ, ўқ-дориларни жойлардаги ички ишлар бўлинмаларига топширмоқдалар. Аммо ҳамон овгоҳларда унда-бунда ўқ овози эшитилиб турибди. Дарё, кўл ва тўқайларда қонунга хилоф равишда рухсат этилмаган қуроллар билан қуш ва жонивор-ларни овлаш давом этмоқда. Браконьерлар пана-пастқамда туриб ҳимояга олинган ҳайвон ва паррандаларга ўқ узишмоқда.

Табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш, ҳайвон ҳамда паррандаларни мавсумий ов қилиш улар сонининг кескин камайиб кетишига сабаб бўлмайди. Шуни яна бир карра эслатиб ўтиш фойдадан холи эмас. Амалда жорий этилган қоидага мувофиқ ўрдак, ғоз, қашқалдоқ, илвасин ва бошқа паррандаларни овлаш 23 сентябрдан 31 декабрга қадар ўтказилади. Бир кунда фақат беш дона ўрдак, икки дона ғоз, беш дона қашқалдоқ овлашга рухсат этилади. Шунингдек, қўён, бўрсиқ ёввойи чўчқаларни ҳам октябрь, декабрь ойларида чекланган миқдорда ов қилиш мумкин. Ҳар қандай ов кунининг ёруғ вақтида бошланиб, қуёш ботгандан сўнг кўпи билан бир соат ўтмай тугалланиши шарт. Белгиланган ов мавсумидан кейин ҳам қўлга қурол олиш табиатга кони зарар. Бу кўпаяётган, урчиётган ҳайвон, парранда ҳамда балиқлар сонининг камайишига олиб келади. Маълумотларга қараганда, ҳозир фанга балиқларнинг 25 мингга яқин хили мавжудлиги маълум, шулардан 1400 тури мамлакатимизда, 69 тури эса Ўзбекистон дарё ва кўлларида яшайди. Браконьерлик туфайли қушлар, ҳайвонлар ва балиқларнинг камайиб бораётганлиги кишида ташвиш уйғотади. Ҳозир сут эмизувчиларнинг 22, қушларнинг 31, балиқларнинг 5 тури йўқ бўлиб кетаётганлиги рўйхатга олинган. 63 хил ҳайвон «Қизил китоб»га киритилган.

Табиатни, унинг ҳайвонот олами ҳамда ўсимликлар дунёсини асраш ҳар бир кишининг виждон амри бўлиб қолмоғи керак.

З. ҲАЙДАРОВ.

Суратларда: 1. Браконьер. 2. Кулранг ғозлар — дарё ва кўлларимиз кўрки. 3, 4. Безори овчи ўқига учган қушлар. 5. Браконьер қопқонига илинган тулкилар.

Суратларни муаллиф олган.

Бўкада қандай воқеа юз берди?

Тошкент областининг Бўка районидаги Октябрь 40 йиллиги номли колхозда 1990 йил 19 февраль куни соат 16 дан 17 га қадар ўзбек ва месхети турклари вакилларининг гуруҳлари ўртасида тўқнашув бўлди.

Шу йил 16 февраль куни мазкур колхозда яшовчи, 1957 йилда туғилган Н. А. Зиёев тан жароҳати туфайли Бўка район касалхонасига келтирилганлиги бу воқеага сабаб бўлди. Жароҳат етказилганлиги факти юзасидан қўзғатилган жиноий иш давомида у жароҳат олиш сабаблари тўғрисида қарама-қарши гапларни айтди.

Шу муносабат билан колхозда Зиёевни месхети турклари калтаклаган, деган гап тарқалди. Жабрдийданинг қариндош-уруғлари ва колхозда яшовчи бошқа одамлар (жами 200 га яқин киши) 1990 йил 19 февралда жамоат тартибини буздилар. Иккита уй ва ҳовлидаги иморатлар, битта енгил автомашинага ўт қўйиб юборилди.

Воқеа юз берган жойга республика раҳбарлари бордилар. Маҳаллий аҳоли билан ўтказилган учрашувлар ва мулоқотлар вазиятни барқарор этишга ёрдам берди. Аҳоли орасида жабрланганлар йўқ.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари жамоат тартибини бузиш фактлари юзасидан тергов олиб бормоқда.

(ЎзТАГ).

СПОРТ

СУЗИШ:

ФАХРЛИ ЎРИН

● Рим шаҳрида жаҳон кубоги учун навбатдаги босқич мусобақалари бўлиб ўтди. Юз метрга чалқанча усулда сузган тошкентлик Сергей Заболотнов 55,64 секундлик натижа билан кумуш медалини қўлга киритди.

ФУТБОЛ:

ОКЕАН ОША САФАР

● Жаҳон чемпионатига қизғин ҳозирлик кўраётган СССР терма командаси Италияда ўтказилган ўртоқлик учрашувидан кейин океан оша АҚШга йўл олди. Футболчиларимиз бу ерда халқаро турнирда иштирок этадилар. 24 февраль куни эса ўйинчиларимиз АҚШ миллий терма командаси билан майдонга тушадилар. Командамиз футбол мавсуми бошланиши арафасида қайтиб келади.

ЧАНҒИ УЧИШ:

КУЧЛИЛАР САФИДА

● Тисовец шаҳрида СССР халқлари VIII қишки спартакиадаси давом этмоқда. Фристайл — чанғида балет ўйинлари кўрсатиш бўйича баҳсда иштирок этган республикамиз вакили С. Бренернинг чиқишлари муваффақиятли бўлди. У тўртинчи ўринни олиб, кучлилар сафига қўшилди.

ЧИМ ХОККЕЙ:

ИМКОНИЯТ БОЙ БЕРИЛДИ

● Покистоннинг Лахор шаҳрида жаҳон чемпионати якунланай деб қолди. Англия — ҒФР (1:2) учрашувидан кейин немис хоккейчилари ярим финалга чиқишди. Эркаклар ўртасида ўтказилаётган бу мусобақада СССР терма командаси бор-йўғи 2 очко тўплаб, совринли ўринлар учун курашиш имкониятини бой берди.

Муҳаррир
Р. РАҲМОНОВ.

Реклама ва эълонлар

СССР Медицина фанлари академияси Бутуниттифоқ хирургия илмий марказининг ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИ қўйидаги вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

экспериментал хирургия бўлимининг детоксикациялаш янги методларини экспериментал ишлаб чиқиш группаси бўйича: **катта илмий ходимлар** (медицина фанлари номзодлари — 3), **илмий ходимлар** (2);

патологик анатомия лабораториясининг функционал морфология группаси бўйича: **етакчи илмий ходим** (медицина фанлари номзоди), **катта илмий ходим** (медицина фанлари номзоди), **илмий ходим;**

биохимия лабораториясининг детоксикациялаш самарадорлигини биохимик назорат қилиш группаси бўйича: **илмий ходимлар** (2);

рентген-радиология бўлими бўйича: **кичик илмий ходимлар** (2).

Конкурс муддати — 26 февралгача.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга жўнатилсин: 700107, Тошкент шаҳри, Фарҳод кўчаси, 10-уй.

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ХОРАЗМ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ **кафедралар бўйича вакант вазифаларга**

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудир: чет тиллар (филология фанлари номзоди ёки доктори, педагогика фанлари номзоди ёки доктори);

доцентлар: «география» ихтисоси бўйича биология-география (2), ўзбек адабиёти, рус тилини ўқитиш методикаси;

катта ўқитувчилар: математика, алгебра ва математика методикаси, меҳнат таълими методикаси ва ТСО («музика» ихтисоси бўйича);

ўқитувчилар: рус тили (факультетлараро), жисмоний тарбия.

Конкурс муддати — 26 февралгача.

Ҳужжатлар конкурс ҳақидаги низомга мувофиқ қуйидаги адресга жўнатилсин: 740000, Хоразм области, Урганч шаҳри, Ҳамид Олимжон кўчаси, 14-уй, илмий секретарга.

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА **1, 2, 3 МАРТ СОАТ 17.00 ВА 20.00 ДА ХАЙРИЯ КЕЧАЛАРИ**

«ДЎСТЛАР ДАВРАСИДА»

ҚАТНАШАДИЛАР: Қиличбек ТОЖИЕВ, Охунжон МАДАЛИЕВ, Қодиржон МИРАШУРОВ, Шуҳрат ДАВЛАТОВ, Ғиёс БОЙТОЕВ, Зокиржон ҲУСАНОВ, Муҳриддин ХОЛИҚОВ, Илҳомжон ЖЎРАЕВ, Тўлқинжон ҲАЙДАРОВ, Абдурауф ОЛИМОВ, Нуриддин ҲАЙДАРОВ, Элмурод ИСЛОМОВ, Обид АСОМОВ.

Саҳналаштирувчи-режиссёр — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти совриндори Абдурашид РАҲИМОВ.

Касса соат 11.00 дан бошлаб ишлайди.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ Марказий илмий-тадқиқот лабораториясининг вакант вазифаларига

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

бўлим мудири: жигар регенерацияси жараёнларини даволовчи янги препаратларни яратиш ва ўрганиш бўйича («патофизиолог», «морфолог», «иммунолог», «биохимик», «биолог» ихтисослари бўйича фан доктори);

кичик илмий ходимлар: гепатит бўлими (2), химия бўлими бўйича.

Конкурс муддати — 4 мартгача.

Адрес: 700015, Тошкент шаҳри, Космонавтлар проспекти, 45-уй.

РЕСПУБЛИКА СТЕНОГРАФИЯ ВА МАШИНКАДА ЁЗИШ КУРСЛАРИ **Кундузги ва кечки бўлимларга**

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Курслар ўзбек ва рус тилларида замонавий иш юритиш асосларидан билим берган ҳолда секретарь-стенографисткалар ва секретарь-машинисткалар тайёрлайди.

Қисқа муддатли курсларга 1990 йилнинг бутун февраль ойи мобайнида ўқувчилар қабул қилинади.

Маълумотлар учун қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: 700003, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 174-уй, Бешёғоч (Ленин комсомоли номидаги Марказий Маданият ва истироҳат боғи ёнида), ҳар куни соат 10 дан бошлаб 19.00 гача учрашиш мумкин. Телефон: 45-62-52.

ТАШКИЛОТЛАР ВА МУАССАСАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Қайта ташкил этиш ишлари олиб борилаётгани муносабати билан Касаба союзлар Бутуниттифоқ қўнгилли физкультура-спорт жамияти республика спорт клубининг

ҲИСОБ-КИТОБ СЧЕТИ **ТУГАТИЛАДИ**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қуйидаги адресда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 33-уй, Касаба союзлар ВДФСО республика Совети. Телефон: 33-66-01.

СССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ кафедралар бўйича қуйидаги лавозимларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ассистентлар: кардиология ва функционал диагностика, офтальмология, юқумли касалликлар (медицина фанлари номзоди);

қуйидаги вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

доцентлар: 3-терапия, 3-педиатрия (медицина фанлари номзодлари);

ассистентлар: 3-педиатрия, юқумли касалликлар, невропатология (медицина фанлари номзодлари).

Конкурслар муддати — 4 мартгача.

Мурожаат учун адрес: 700007, Тошкент шаҳри, Генерал Петров кўчаси, 51-уй.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги ва Дерматология ва венерология илмий-тадқиқот институти коллективлари шу институт директори, министрликнинг бош дермато-венерологи, медицина фанлари доктори В. А. Аковбянга онаси **Вера Александровна АКОВБЯНнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Социал таъминот министрлиги республика аҳамиятидаги пенсионер, 1938 йилдан ҚПСС аъзоси **Юсуп Файзиевич ФАЙЗИЕВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Адлия министрлиги жамоаси Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, 1946 йилдан КПСС аъзоси, меҳнат ветерани, кекса адлия ходими, катта нотариус **Қосим ЭРМАТОВнинг** вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги коллективи Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги Фан бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Р. И. Ўрифхоновга отаси **Исмоил Обидович ЎРИФХОНОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Социал таъминот министрлиги иттифоқ аҳамиятидаги шахсий пенсионер, 1918 йилдан КПСС аъзоси **Ҳикматхўжа ДОНИЕРХЎЖАЕВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р. — 04104. № 44. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12